Президент ҳузурида қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 ноябрь куни Россия Федерацияси Оренбург вилояти маъмуриятининг раҳбари В. Елагинни қабул қилди. Россиянинг мазкур вилояти билан товар айланмасининг ҳажми жиҳатидан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида Ўзбекистон етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Жорий йилнинг тўққиз ойида мазкур вилоятнинг мамлакатимиз билан товар айланиши ҳажми 5,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, Россия Федерацияси субъекти сифатида Оренбург вилояти Ўзбекистоннинг ҳудудлари билан тўғридан-тўғри ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бермоқда. Ана шундай ҳудудлар қаторида Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм, Андижон ва Сурхондарё вилоятларини санаш мумкин. Оренбург вилоятида эса ўзбек капитали иштирокида тузилган ўнта корхона рўйхатдан ўтган. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, электр таъминоти жабҳасидаги монтаж ишлари ва бошқа соҳалар улар фаолиятининг асосий қирраларидир.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ушбу ташриф ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида муҳим қадам бўлишини қайд этди.

— Мамлакатимиз билан Россиянинг сиз раҳбарлик қилаётган вилояти ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқалар ривож топиб бораётгани қувонарли ҳолдир, — деди, жумладан, Ислом Каримов. — Шубҳа йўқки, Оренбург вилояти билан Ўзбекистон ҳудудлари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқалар кўламини янада кенгайтиришдан ҳар икки томон бирдай манфаат кўради.

В. Елагин мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнига юксак баҳо берди. У ташрифидан кўзланган мақсад ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларни кенгайтириш билан изоҳланишини қайд этди.

Ана шундай ҳамкорликни янада кенгайтириш, ҳудудлараро тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантириш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар мулоқотнинг бош мавзуси бўлди.

Қабул маросимида Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов ҳамда ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ғаниев иштирок этди.

Қабулда Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А. Пацев ҳозир бўлди.

(ЎзА)



Суратда: қабул пайти

Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 28 ноябрь, шанба • № 142 (24.379).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

28 ноябрь – Ўзбекистон Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлган кун

Кейинги йилларда жаҳон сиёсий ва иқтисодий саҳнасида кечаётган воқеалар мамлакатлараро интеграциянинг аҳамияти нечоғлик катта эканини такрор ва такрор тасдиқлаяпти.

1977 йил Эрон, Покистон ҳамда Туркия томонидан тузилган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО) ҳам ана шундай халқаро муассасалардан бири саналади. Кейинги йилларда унинг таркибига кўпгина бошқа давлатлар ҳам қўшилди. Жумладан, Ўзбекистон 1992 йилдан буён ЭКОга аъзо саналади.

Ўзбекистоннинг ЭКОга аъзо давлатлар билан савдо алоқалари ўзаро икки томонлама ҳамкорликка асосланади. Шу кунгача Ўзбекистон билан ЭКОга аъзо давлатлар ўртасида транспорт транзити бўйича қатор битимлар имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни фаоллаштириш тўғрисида

Кўрилаётган чораларга қарамай, экинзорларни пайҳон ва нобуд қилиш ҳоллари давом этмоқда. Бу эса ғалла ҳосили ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари анча қисмининг йўқ бўлишига олиб келмоқда.

Буларнинг барчаси хўжалик раҳбарларининг ушбу масаланинг муҳимлигини тушуниб етмаслиги ва етарли баҳо бермаслиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари, республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Прокуратураси томонидан зарур ва таъсирчан чораларнинг кўрилмаслиги сабабли мавжуд бўлмоқда.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш ва қишлоқ хўжалик экинларини пайҳон қилишининг олдини олиш бўйича ишларни фаоллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман ҳокимлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва хўжалик раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 ноябрдаги «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонининг бажарилишини ташкил этиш бўйича ишлари суст деб топилсин.

Улардан қишлоқ хўжалиги экинларининг сақланишини таъминлаш юзасидан кечиктириб бўлмас чоралар кўриш талаб қилинсин. Бу мақсадда қуйидагилар амалга оширилсин:

Чорва молларини экинзорларда боқиш ва олиб ўтиш, автотранспорт воситалари ва қишлоқ хўжалик техникасини экинзорлар устидан ҳайдаб ўтиш ва экинзорларни пайҳон қилишга олиб келадиган бошқа бузғунчиликлар билан кураш фаоллаштирилсин;

экинзорларга эгалик қилувчи хўжаликларнинг раҳбарлари, ички ишлар идоралари, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик кучлари билан биргаликда пайҳон қилиш ҳолларини аниқлаш бўйича рейдларни ўтказиш, бу ҳолатларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўрсинлар. Пайҳон қилиш ҳоллари тез учраб турган жойларда кузатув постлари ўрнатилсин. Дала қоровулларининг иш самарадорлиги оширилсин;

пайҳон қилиш ҳолатлари аниқланган вақтда чорва моллари, пайҳонга сабаб бўлган автотранспорт ва қишлоқ хўжалиги техникаси эгаларини аниқлаш учун тезкор чоралар кўрилсин. Уларга нисбатан қонуний чоралар кўриш учун тўпланган материаллар тегишли идораларга юборилсин.

2. Пайҳон ва нобуд қилиш жойида ушланган чорва моллари ўзини-ўзи бошқариш органларига топширилсин, фавқулодда ҳоллардагина етказилган зарар қоплангач, ўзини-ўзи бошқариш органларининг қарори билан чорва моллари ўз эгаларига қайтарилиши мумкин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов) экинзорлар пайҳон қилинишининг олдини олиш юзасидан кечиктириб бўлмас чоралар кўрсин, профилактик ишлари олиб бориш мақсадида қўшимча постлар жорий этиб, амалдаги қонунларга мувофиқ қонунбузарларга қатъий чоралар кўрилиб, ҳар бир пайҳон қилиш ҳолати юзасидан айбдорларни жавобгарликка тортсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси (Б. Мустафоев), Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов) мулк эгалиги шаклидан қатъи назар экинзорларни қўриқлашни таъминламаган ва пайҳон қилиш ҳолларига йўл қўйган хўжалик раҳбарларини қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси (Б. Мустафоев) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 ноябрдаги «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш бўйича қўшимча чоралар кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (С. Мирсафоев) экинларни пайҳон қилганлик учун жавобгарлик тўғрисида амалдаги қонунчиликни тарғиб қилиш бўйича кенг тушунтириш ишларини олиб борсин.

Оммавий ахборот воситалари мазкур йўналишда олиб борилаётган ишларни матбуот, радио ва телевидение орқали мунтазам равишда ёритиб боришни таъминласинлар.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси, Давлат ўрмон қўмитаси билан биргаликда 1999 йилнинг январь ойида экинзорларни пайҳон ва нобуд қилишга қарши кураш ҳақидаги ишларни атрофлича кўриб чиқсинлар ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб, амалга оширсинлар. Натижалари ҳақида ҳар ой Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб турсинлар.

8. Мазкур қарор ижросини назорат этиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Олимжонов зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 27 ноябрь.

Фаоллик самарасиз қолмас

ХДП хабари

1998 йил 26 ноябрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят ташкилотининг республика Президенти И. А. Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда эълон қилинган «Оила йили» тадбирларини амалга оширишда жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлиги ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Вилоят партия кенгаши биринчи котиби Ф. Омонов шу тўғрида ахборот берди. Ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорда вилоят партия ташкилотлари турли жамоат бирлашмалари ила, хусусан «Оила йили» муносабати, ҳамкорлик қилишда муайян тажриба тўпладилар. Бундай ҳамкорликнинг ташкилийсиёсий ва ҳуқуқий негизини вилоят партия кенгаши ва вилоят касаба уюшмалари кенгаши, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний», «Камолот» жамғармалари вилоят бўлинмалари ўртасида тузилган ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар ташкил этади. Улар билан биргаликда меҳнат жамоаларида ва аҳоли истиқомат жойларида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, Оила кодекси ҳамда давлатнинг тамал тоши — оилаларни мустаҳкамлаш, ривожлантиришга қаратилган бошқа қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳияти тушунтирилмоқда. «Оила йили» доирасида турли-туман тадбирлар ўтказилмоқда. Ушбу мақсадларда «Маърифат» марказлари, «Оила» клублари, маҳаллий оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланилмоқда, кўрик-танловлар, семинар ва учрашувлар ташкил этилмоқда, эҳтиёжманд оилаларга кўмак берилмоқда. Хусусан, Қарши шаҳар, Қамаши, Қарши, Нишон ва Шаҳрисабз туман партия кенгашлари бу ишда фаоллик кўрсатмоқдалар. Давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг «Оила йили» ўзанларидаги ҳамкорлиги туфайли вилоятда янги оилаларни тузишда шошма-шошарликка йўл қўйиш, оилаларнинг бузилиб кетиши ҳоллари камаймоқда, оилаларга давлат идоралари, корхона, хўжаликлар ва жамоат ташкилотлари томонидан ғамхўрлик кучаймоқда.

Шу билан бир қаторда, дейилади қарорда, вилоят партия ташкилотлари, шериклар билан биргаликда аҳоли, хусусан ёшлар ўртасида, оила ҳаётининг ҳуқуқий асосларини тарғиб қилишни кучайтиришлари, Оила кодексини ўрганишни ташкил этишлари, давлатимизнинг оилалар, болалар ва оналар тўғрисидаги доимий ғамхўрлигини ишончли далиллар билан кўрсата билишлари, шунингдек, «Соғлом авлод учун», «Болалар», «Меҳр-шафқат», «Экосан» ва бошқа жамғармалар билан ҳамкорликни такомиллаштиришлари даркор.

Ўзбекистон ХДПнинг Фарғона вилоят ташкилотида ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш ва ўз тузилмаларининг хўжалик-молиявий фаолиятини яхшилаш борасида мақсадли ишлар қилинаётир. Мажлисда вилоят партия кенгаши биринчи котиби А. Игамбердиев шу ҳақда сўзлади. МК Котибиятининг ушбу масалага доир қарорида, вилоят ва қатор туманлар партия кенгашларининг мазкур соҳадаги ижобий ишлари қўллаб-қувватланиб, шу билан бирга, айрим партия ташкилотларида ички партиявий интизомнинг сусайганлигига эътибор қаратилди ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш ҳақида тавсия берилди.

Котибият Андижон, Жиззах, Тошкент, Қашқадарё, Хоразм, Сурхондарё, Фарғона вилоят партия кенгашлари котиблари С. Раҳимов, Н. Икромов, С.Аъзамов, Ф. Омонов, Ғ. Машарипов, Ҳ. Эрматов, А. Игамбердиевларнинг ахборотларини тинглаб, «Ўзбекистон ХДП матбуот нашрларига 1999 йил учун обунанинг бориши тўғрисида» қарор қабул қилди. Унинг баёни бугун газетамизда эълон қилинмоқда.

Марказий Кенгаш Котибияти мажлисида, шунингдек, ички партиявий ҳаётга доир бошқа масалалар ҳам кўрилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Хатлар, хатлар, хатлар

Ваъдага вафо қани?

Ҳурматли муштарий! Эътиборингизга бундан 6 йил аввал таҳририятимизга йўлланган бир шикоят хатини ҳавола қилмоқчимиз. Боиси, бу хат текширишга юборилганидан кейин ўзига хос жавоб ҳам олинган. Гап шундаки, ҳалигача шикоятчининг кўнгли таскин топиб, муроди ҳосил бўлмай юрибди. Шундай қилиб хат билан танишинг.

«Мен 1985 йилдан бери Самарқанд шаҳар Темирйўл туманида квартира олиш учун «имтиёзли» навбатда турибман. Зеро, бу воқеага етти йил бўляпти-ку, аммо, «навбатим» сира келмаяпти. Яшаш шароитимиз оғир. Оиламиз олти кишидан иборат. Бир кам 90 ёшли онам Х. Мирзаева тўшакка михланган ҳолда ётибди. Ўғилларим ҳам 20-21 ёшларда. Уларни уйлантириш ташвишидаман. Шароитимизни яхшилашни сўраб туман, шаҳар ҳокимларига, ҳатто вилоят ҳокимига ҳам мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Бунинг устига ўзим, болаларнинг онаси ҳам биринчи гуруҳ ногиронимиз. Қийин аҳволда қолганлигимизни инобатга олиб, яшаш шароитимизни яхшиланишига умид боғлаб сизларга хат йўлладим, деб Н. Шакаров».

Энди текширишга юборилган ана шу мактубга йўлланган жавоб билан танишинг: ***«Нишон Шакаров ҳокимлигимиз уй-жой бўлимида 1985 йилдан бери имтиёзли навбатга олинган. Яшаш майдони 40 кв. бўлиб уч хонадан иборат. Оила аъзолари олти киши экан. Ҳозирги пайтда 13-ўринда навбатда турибдилар. Фуқаро Н. Шакаров турган навбатни яна бир бора текшириб чиқдик. Тўрт кишидан олдинда турган навбатчиларнинг яшаш шароитлари анча оғирлиги аниқланди. Шуларни инобатга олиб уй-жой навбати билан ажратилишини маълум қиламиз. Ҳурмат билан ҳоким муовини А. Насриев».***

Жавобнинг ланжлигини қаранг. Кўнгил сув ичадиган биронта гап йўқ. Аниқ-тиниқ фикр юритилмаган. Қачон, неча йилдан кейин Нишон аканинг орзуси ушалиши мумкинлиги ҳақида жўяли сўз юритиш мумкин эди-ку. На пишадиган, на куядиган бундай жавобнинг кимга кераги бор. Орадан олти йил ўтибди-ку, бирор ўзгариш йўқ. Наҳотки шу даврда янги уй-жойлар қурилмаган бўлса. Орадан 13 йил ўтгач, чиқмаган жондан умид деганларидек, муҳтарам Нишон Шакаров яна таҳририятимизга шикоят хати билан мурожаат қилишга мажбур бўлдилар. Табиийки, бу орада оила кўпайиб, саккиз жонга айланган. Мурожаат қилмаган жойлари деярли қолмабди. Ачинарлиси шундаки, у киши куюниб «шунча йил мобайнида уч хонали квартирани яна битта хона билан кенгайтиришнинг иложи бўлмадимикан», деб ёзадилар. Маълумки, юртимизда инсон ҳуқуқини поймол қилишга йўл қўйилмайди. Биз демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида собит турибмиз. «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили» деб бежиз айтилаётгани йўқ-ку. Меҳнаткашлар саломатлиги ҳақида қайғуриш, ижтимоий ҳимояни ўрнига қўйиш, энг долзарб масалалардан бирига айланган бир пайтда қадимий шаҳарнинг Темирйўл туманида истиқомат қилаётган бир инсоннинг яшаш шароитини ўнглаб қўйиш учун яна қанча фурсат керак. Ҳокимликлар бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришса, ёмон бўлмас эди.

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ

Далил ва таҳлил

Ер остида ишлар қалай?

ёхуд Тошкент метрополитени қурилишининг учинчи йўналишига бир назар

Яқинда таҳририятимизга пенсионер Мансур Бойбековдан шундай мазмунда хат келди: «Тошкент метросининг учинчи — Юнусобод йўналиши қурила бошлаганига салкам ўн йил бўлди. Янглишмасам, у жорий йилда ишга туширилиши лозим эди. Мана, 1998 йил ҳам охирлаб бораяпти, лекин метронинг ишга тушишидан ҳали гап-сўз йўқ. Сабабини билишни истардик?»

Тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари шаҳримиз ҳуснига кўрк бағишлаб турган кўпгина муҳташам биноларнинг архитектурасидан завқ олишади. Бинобарин, уларнинг бари замин устида, барчанинг кўз олдида турибди. Бироқ ер остидаги қасрлар, бошқача айтганда, метрополитен бекатлари қурилиши ва улардаги пардозлаш ишлари кўнгилдагидек бормаяпти.

1989 йил метронинг Ўзбекистон йўналишидаги «Ойбек» бекатига яқин жойда 19-рақамли шахтага асос солинди. У бўлажак «Лоҳутий» бекатидан (яқинда унинг номи «Минг ўрик» деб ўзгартирилди) ер ости йўли учун лаҳм қазишга мўлжалланганди. Янги йўналиш шаҳар маркази билан Юнусобод мавзесини боғлаши лозим эди ва унинг умумий узунлиги 11,7 километрни ташкил этарди. Метро қурувчилар олдига ғоят мураккаб, катта ҳажмдаги ишларни бажариш вазифаси қўйилди. Бунинг учун эса йўл-йўлакай мавжуд муҳандислик коммуникацияларини қайта жойлаштириш, ер ости сувлари сатҳини пасайтириш, трамвай изларини кўчириш, фавқулодда мураккаб геологик шароитларда тоннеллар қазиш, 8 та бекатни қуриш зарур эди.

Метронинг Чилонзор ва Ўзбекистон йўналишларидан фарқли ўлароқ, бу ерда тоннелларни кон қазиш ускуналари ёрдамида ёпиқ усулда кавлашга қарор қилинди. Чунки ер ости йўллари кўп қаватли биноларнинг остидан ўтарди. Фақат бекатлар қурилишигина очиқ усулда бунёд этиладиган бўлди. Буларнинг ҳаммаси «Тошметролойиҳа» институти мутахассислари томонидан яратилган лойиҳа-смета ҳужжатларида ўз аксини топди.

Ўша кезларда — 1989 йилда буюртмачи, яъни қурилаётган метрополитен маъмурияти ва қурилишни маблағ билан таъминлаётган Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси «Тошметроқурилиш» трести билан келишиб, Юнусобод йўналишини икки босқичда: дастлабки 6 бекатда поездлар қатновини 1997 йил охирида, қолган иккитасини эса 1998 йил охирида йўлга қўймоқчи бўлдилар.

Ушбу саналар барча ҳужжатларда, гарчи унга ҳеч ким ишонмаса-да, ҳатто яқин-яқинларгача тўлдирилган ҳужжатларда ҳам қайд этиб келинди. Бу шундай таассурот туғдирадики, ўша кезда учинчи йўналиш қурилишига мутасадди ва раҳнамо бўлган раҳбарлар мавжуд вазиятдан мутлақо бехабар бўлганга ўхшайди. Чамаси, биринчи йўналиш бунёдкорлари шаънига айтилган баландпарвоз мақтовлардан гангиб қолган бошлиқлар чуқур ўйлаб ўтирмасдан, қурувчиларга эски тузумдан қолган «Оширилган мажбурият» тариқасида амалда бажариб бўлмайдиган вазифаларни юклаганлар.

Қурилишдаги ҳақиқий манзара эса бугунги кунда шундай: баъзи бекатларда ҳалигача қурилиш учун майдончалар ҳам очилгани йўқ. Муҳандислик нуқтаи назаридан энг мураккаб ҳисобланган «Юнус Ражабий» бекатида эса тупроқ ишлари, котлованни мустаҳкамлаш, йиғма темир-бетон конструкцияларни монтаж қилиш эндигина бошланяпти. «Ғалаба» боғи теграсидаги «Бодомзор» бекатини қурувчилар икки йил аввал пардозловчилар қўлига топширган эди, бироқ бу ердаги ишлар ҳамон ўлда-жўлда. Бошловчи бекатда ҳам пардозлаш ишларига энди қўл уриляпти.

Ишларнинг аҳволи шунақа, лекин 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг вакилларидан бири пардозловчилар топшириқни жорий йил охиригача уддалайдилар, деб катта оғизлик қилди. Ахир, у автобус бекати эмаски, тўртта устун қўйиб устини ёпиб қўйсанг! Метро бекати алоҳида лойиҳа ва муҳташам архитектурага, бадиий дидга эга бўлган ер ости қасридир. Бундай қурилишга енгил-елпи қараш одамларни ишдан совутади, холос.

Гапнинг индаллоси, бекатларнинг тайёр бўлишигача ҳали гап кўп. Афсуски, бу ҳаммаси эмас. Ер ости йўлининг турли участкаларида ҳали уч километрга яқин, бошқача айтганда, йўналишнинг учдан бир қисмида тоннел қазилгани йўқ. Боз устига, шаҳар ҳокимияти Юнусобод йўналишини Ҳалқа йўлгача, аниқроғи метрополитен депоси қурилаётган жойгача узайтиришни мақсадга мувофиқ, деб топди. Охирги даврда «Туркистон» деб аталади. Бундай қарор метрополитен қурилишини анча орқага суриб юбориши турган гап. Эҳтимол, у метрополитен қурилишидаги қолоқликни хас-пўшлаш учун қилинган тадбирдир, деган шубҳа ҳам туғилади. Чунки, метро йўналишини Ҳалқа йўлгача узайтириш масаласи дастлабки лойиҳалашда кўзда тутилса бўлмасмиди?

Вақт жиловсиз ўтиб бораяпти, қурилишнинг эса ниҳояси ҳали-бери кўринадиганга ўхшамайди. Метросозлар ва иқтисодчиларнинг фикрига кўра, ер ости йўллари қурилиши учун шаҳар бюджетидан ажратилаётган маблағлар ҳам салмоқли эмас. Шундай экан, иш суръати ҳам шунга яраша бўлади-да!

Ҳўллас, «Тошметролойиҳа» институти янги бекат ва унга туташадиган бир неча километр узунликдаги ер ости йўллари лойиҳасини яратиш юзасидан топшириқни олди. Институт директори А. Зокировнинг айтишича, лойиҳа-смета ҳужжатлари келгуси йилнинг ўрталарида тайёр бўлади. Бекат қурилишига эса камида икки йил даркор эмиш.

Кўраяпсизки, метронинг учинчи йўналишини фойдаланишга топшириш юзасидан белгиланган дастлабки ваъдалар совун пуфагидай ёрилиб кетди. Бироқ айримлар «Тошметрострой» қурилиш бошқармаси бошлиғи лавозимига Шокир Солиҳўжаев келгач, юқоридаги қийин масалага ойдинлик киритилди, деб ҳисобламоқдалар. Илгари «Ташинжстрой» акционерлик жамияти бошқарувида раис бўлиб ишлаган ва қурилишларда тажриба тўплаган, муҳандис-қурувчи Шокир Тўраевичга олдинги раҳбардан оғир «мерос» қолган эди. У ўзининг сафдошлари билан маслаҳатлашиб, мавжуд аҳволни обдон ўрганиб чиққач, шундай хулосага келди: Юнусобод шаҳобчасидаги дастлабки 6 бекатни 2001 йилгача қуриб битказиш мумкин. Қолган учтасига эса яна икки йил зарур. Шундан сўнггина йўналишнинг бош қисмини «Жанубий» темир йўл станциясигача узайтиришга киришиш мумкин.

Шундай қилиб, янги «Туркистон» бекати ва қурилишни ниҳоялашнинг янги муддати белгиланганини ҳисобга олмаганда, метросозларнинг асосий вазифаси ўз ҳолича қолди. Шуни айтиш керакки, «Тошметроқурилиш» раҳбариятининг важларига шаҳар ҳокимияти, метро қурилишига даҳлдор корхона ва ташкилотлар ҳам розилик билдирдилар.

Вақт олий ҳакам дейдилар. Насиб қилса, янги муддатнинг ҳам қанчалик реал эканлигини кўрармиз. Зеро, Ш. Солиҳўжаев ва унинг ҳамкасблари ўзларининг ҳисоб-китоблари пухта эканлигига ишонадилар.

— Бизнинг ихтиёримизда беш йилдан кўпроқ вақт бор, — дейди Шокир Тўраевич. — Биз қандай бўлмасин, ана шу муддатда пировард натижага эришмоғимиз шарт.

Унинг дадил шундай дейишига асос бор: чунки, «Тошметроқурилиш»нинг қарийб 2 минг кишилик ишчи ва мутахассислардан иборат жамоасида улкан имкониятлар мавжуд. Уларнинг ғайрати туфайли жорий йилнинг иккинчи ярмида қурилиш-монтаж ишларида яхши томонга ўзгариш юз берди. Лекин уларнинг барча имкониятлари ҳали юзага чиққани йўқ. Маблағ масаласи чатоқ. Масалан, метросозлар раҳбарияти шу кунларда жорий йилда уларга ажратилган 2 миллиард 100 миллион сўмга қўшимча яна 400 миллион сўм ажратилишини қатъий сўрамоқдалар. Уни нойабрнинг қолган кунлари ва декабрь ойида ўзлаштиришга сўз бермоқдалар. Бироқ, ҳокимият бу илтимосни инобатга оладими, йўқми ҳозирча номаълум.

Беш йилдан ортиқ вақт озмунча муддат эмас. Лекин ҳамма нарса вақтга боғлиқми? Чамаси, қурилиш жараёнидаги барча иштирокчиларнинг баҳамжиҳат ҳаракати ҳам муҳим. Афсуски, бу ерда анча-мунча чигалликлар бор. Сўнгги йилларда бошқармага валюта маблағлари тўлалигича ажратилмаяпти. ГФРдан кран ва эксковаторлар, Россиядан ёғоч шпаллар ва чўян тюбинглар сотиб олиш учун эркин алмаштириладиган валюта зарур. Аммо жорий йилда «Тошметроқурилиш»га ваъда қилинган 1357 минг АҚШ долларидан атиги салкам 500 мингги берилди, холос. Йил охирлаб бораяпти, бироқ бош пудратчига валютанинг қолган қисми қачон ажратилади-ю, юқорида айтилган нарсалар қачон сотиб олинади, бу ёлғиз Оллоҳга маълум.

Ҳозир қурилишда эртанги кун истиқболлари ҳақида кўпроқ гапирилмоқда. Расмий манбалардан олинган маълумотларга кўра, 1999 йилда қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми 4,5 миллиард сўмга етади. Бошқача айтганда, ана шу ишлар ҳажми икки ҳисса ўсади. Қурилиш бошқармасидагилар бу хабарни босиқлик билан қабул қилиб, бу юкни бемалол кўтараолишликларини билдирдилар. Фақат шунга яраша ҳамкорлар ҳам бел боғлашса бўлгани. Ҳолбуки, қурилиш бошқармасининг фақат биргина ташкилотга — лойиҳалаш институтига ҳеч эътирози йўқ. Бошқаларга, жумладан, ёрдамчи пудратчи ҳисобланмиш сантехниклар бригадаси ва «Ўзмонтажмахсусқурилиш» корпорациясига қарашли вентиляциячиларнинг ишидан жуда ҳам норози. Улар белгиланган ишларни пайсалга солаяптилар. «Ўзбекистон металлургия заводи» акционерлик жамияти ҳам қурувчилардан катта қарздор. Маълумки, метро жуда кўп миқдорда металл талаб қиладиган қурилиш ҳисобланади. Унга кўплаб металл прокати, асосан турли диаметрдаги арматуралар зарур. Афсуски, Бекободдаги бу корхона ўзидаги турли қийинчиликларни рўкач қилиб, метросозларнинг буюртмаларини бажармай келаяпти.

Табиийки, келаси йилда ишлар кўламининг ўсиши валюта маблағларига бўлган талабни ҳам бир неча баравар ошириб юборади. Эркин алмаштириладиган маблағнинг нималарга зарурлигини биз юқорида таъкидладик. Уларга қўшимча темир рельсларни ҳам айтиш керак. Ана шу маҳсулотларни етказиб бериш тендер асосида амалга оширилади. Тендерни ўтказиш декабрь ойига белгиланган.

Метро қурилишига сарфланадиган валюта охир-оқибат одамларга хизмат қилади. Бўлажак йўналиш ҳар куни 150 мингдан зиёд йўловчини манзилга элтади. Тошкентлик метросозлар ер ости йўлларидаги мураккаб гидрогеологик шароитдан келиб чиқадиган турли қийинчиликларни енгиб ўтишни ўрганиб олганлар. Бироқ улар молиялаш ва моддий-техника таъминотидаги узилишлардан юзага келаётган муаммоларни ҳам енгишни ўргансалар соз бўларди!

Норбобо ШАКАРОВ, Икром АХМЕТОВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари

Партия ҳаёти

Излаган имкон топар

Марказий Кенгаш Котибиятининг **«Ўзбекистон ХДП матбуот нашрларига 1999 йил учун обунанинг бориши тўғрисида»**ги қарорида таъкидланишича, партия ташкилотлари Котибиятнинг шу масалага доир жорий йил 24 сентябрда берган кўрсатмаларини бажариш борасида муайян ишларни амалга оширмоқдалар. Ушбу масала Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва қатор шаҳар, туман ХДП кенгашлари ижроия бюроларининг мажлисларида кўриб чиқилиб, вазифалар аниқланди, назорат рақамлари белгиланди, тадбирий чоралар режалари тасдиқланди. Обунани ўтказиш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштирувчи комиссия ва ишчи гуруҳлари тузилди. Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм, қатор бошқа вилоятлар ва Тошкент шаҳрида партия фаоллари, журналистлар иштирокида обуна масалаларига бағишланган семинар, кенгаш, учрашувлар бўлиб ўтди, ушбу муҳим мавсум пешқадамларини аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида кўрик-танловлар эълон қилинди. ХДПнинг кўпгина кенгашлари ушбу масалада ҳокимликлар, корхона, хўжалик, ташкилотлар раҳбарлари билан ҳамкорликни йўлга қўйдилар, маҳаллий газеталар, радио ва телевидение орқали партия матбуотини тарғиб этмоқдалар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан партия фаоллари, меҳнат фахрийлари, эҳтиёжманд фуқаро ва ногиронларни ҳомийлар ҳисобидан газета-журналларга ёздириш амалиёти қўлланилмоқда. Натижада, мамлакатимизнинг аксари ҳудудларида партия нашрларига обуна жараёни тобора кенгаймоқда. Бироқ, бу ишда камчилик ва нуқсонлар ҳам талай. Айниқса, Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари партия ташкилотларида, уларнинг раҳбарлари Марказий Кенгаш Ишчи гуруҳи йиғилишида аҳволни ўнглашга ваъда берган бўлсалар-да, обуна ўта суст бормоқда. Чунки, уларнинг таркибига кирувчи кўпчилик шаҳар ва туман партия кенгашларининг обунани уюштириш соҳасидаги ишлари самарасиздир.

Ваҳоланки, бозор муносабатларига ўтиш жараёни туғдираётган мураккаб иқтисодий шароитда ҳам имконият топиб, ХДП нашрларига обунани ташкил этишда яхши натижаларга эришаётганлар оз эмас. Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона ва Хоразм вилоят партия ташкилотлари бу ишда пешқадамлик қилмоқдалар. Навоий вилоят партия ташкилоти обуна суръатларини оширмоқда. ХДПнинг Наманган, Сирдарё вилоят, Тошкент шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа кўплаб бўғинларида ҳам илғорларга тенглашиш учун имкониятлар етарли.

МК Котибияти Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари партия кенгашлари котиблари С.Раҳимов, Ж.Нуруллаев, И.Умурзоқов, М.Когай ва С.Аъзамовларнинг ХДП марказий нашрларига 1999 йил учун обунани уюштириш юзасидан олиб бораётган ишларини қониқарсиз баҳолаб, улардан мавжуд камчиликларни тезда бартараф этишни талаб қилди. Барча даражадаги партия кенгашлари ва бошланғич ташкилотларига обуна мавсумини талаблар даражасида ўтказиш учун пешқадамлардан ибрат олиш тўғрисида тавсия берилди.

Ўзбекистон ХДП марказий матбуот нашрлари таҳририятларига обуна мавсуми билан боғлиқ ишларни кучайтириш, хусусан, бу соҳадаги ижобий тажрибани оммалаштиришга алоҳида эътибор бериш таклиф этилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Жаҳон фирмалари техникаси Ўзбекистонда

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалик техника ва технологияларини синаш ҳамда сертификациялаш Давлат марказида қишлоқ хўжалик техникаси республика савдо кўргазмаси очилди. Уни «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси, «Ўзқишлоқхўжтаъминоттузатиш» давлат кооператив қўмитаси ва Германиянинг «Зелко» уюшмаси ташкил этди.

Кўргазмада «Зелко» уюшмасига қарашли «Лемкен», «Гримме», «Кроне», «Амазоне-Верке», шунингдек, Американинг «Кейс», Англиянинг «Массей Фергюсон» фирмаларида ишлаб чиқарилган турли культиваторлар, экиш сеялкалари, ҳосилни йиғиштириб берадиган агрегатлар ҳамда фермер хўжаликлари учун ихчам машина-ускуналар намойиш этилмоқда. Кўргазма қатнашчилари «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси корхоналарининг қишлоқ хўжалик техникаси ва халқ истеъмоли моллари янги турлари билан ҳам танишишлари, уларни сотиб олиш юзасидан шартнома тузишлари мумкин.

Суратда: *кўргазмадан лавҳа.*

Равшан НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

Вақт кимнинг фойдасига ишламоқда?

Россия оммавий ахборот воситаларини кузатар экансиз — мамлакатда демократлардан иборат ўнг ва коммунистлар, империяпараст шовинистлардан иборат сўл кучлар ўртасида қизиб кетган курашнинг янги тўлқинини кўрасиз. Жамиятда кечаётган барча жараёнлар: хоҳ у сиёсий, хоҳ иқтисодий бўлсин — «ўнг» ёки «сўл» нуқтаи-назари билан баҳоланмоқда. Ҳатто ҳукуматнинг янги таркибига ҳам шу нуқтаи-назардан қаралмоқда. Бундай нохолис баҳолар, таъна-дашномлардан тўйиб кетган Бош вазир Е. Примаков «ҳукумат «қизиллар»дан ҳам, «оқ»лардан ҳам иборат эмас — у «профессионаллар командаси» деб икки-уч мартаба тушунтириш ва изоҳ берди. Сиёсий кучлар «майдон»нинг қарама-қарши бурчакларида кескин иккига бўлинишди. Президент Б. Ельциннинг кетмакет касалга чалиниши ўнг ва сўл кучлар орасидаги ўзаро курашни янада кучайтириб юборди.

Ҳозирги шароитда, деб ёзади «Аргументи и факти» газетаси «коммунистлар ҳокимиятни тўлатўкис эгаллай олишмаяпти, уларга қарши кучлар эса ташаббусни ўз қўлларига ололмай овора». Мазкур газета синчиларининг фаразича, бирон бир «сиёсий қотиллик» вазиятга «ойдинлик» киритиши лозим эди. Ва ана шундай қотиллик содир бўлди — Давлат думаси депутати, мамлакатда таниқли сиёсатчи Галина Старовойтова ўлдирилди. Мамлакатдаги ҳар қандай кескинликдан, фожиалардан ўз мақсад ва манфаатлари йўлида фойдаланишга кўникиб қолган барча сиёсий кучлар Г. Старовойтова ўлими муносабати билан бир-бирларига тош отишни янада кучайтириб юборишди.

Демократик лагерга мансуб сиёсатчилар бу қотилликда коммунистлар айбланмоқдалар. Уларнинг фикрича коммунистлар, фашистик миллатчи кучлар Россияда сиёсий террор, қотиллик ва мухолифларни маҳв этиш йўли билан халқни қўрқитиб қўйишмоқчи. Мамлакатда иқтисодий парокандалик ва сиёсий бошбошдоқлик вазиятни вужудга келтириб, айни шу талатўп соясида ҳокимиятни эгаллашмоқчи.

Коммунистлар эса мамлакатда авж олиб кетган жиноятчилик, сиёсатчилар жонига қасд қилиш ва жиноятларнинг очилмай қолаётганлиги учун ҳозирги раҳбарият жавоб бериши керак, деган талабни кўйишмоқда.

Мамлакатда иқтисодий, молиявий инқироз давом этмоқда. Барча сиёсий кучларни ҳокимиятни эгаллаш муаммоси шунчалик ўз домига тортганки, улар иқтисодий инқироз ҳақида гапирмай ҳам қолишди, деб хабар беради «Маяк» радиостанцияси.

Россия матбуоти ҳозирги шароитда ўнг ва сўл кучлар имкониятларини чамалаб кўриб, қизиқарли хулосаларга келмоқда. Биринчидан, коммунистлар талаб қилаётгандек Президент Б. Ельцин ҳозир истеъфога чиқса, уч ойдан кейин бўладиган сайловда Г. Зюганов ғалаба қозонадими? Жамоатчилик фикрини ўрганувчи хизматларнинг

Бизнинг шарҳ

маълумотларига қараганда, мутлақ кўпчилик коммунистлар сардори учун овоз бермайди. Айниқса, генерал Макашовга ўхшаш коммунистларнинг шовинистик руҳдаги баёнотларидан сўнг коммунист-раҳбарга бўлган ишончга дарз кетди.Шу боис Президент истеъфосидан сўнг уч ойдан кейин ўтказиладиган сайловлардан коммунистлар манфаатдор эмас. Иккинчидан, коммунистик партия аъзоси, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари (кўпчилик уни ҳукуматнинг амалдаги раҳбари деб атамоқда) Маслюков томонидан ишлаб чиқилган мамлакатни иқтисодий таназзулдан олиб чиқиш дастурининг ниҳоятда заифлиги, ҳукуматнинг инқироздан чиқиш учун қилаётган ҳаракатларида изчиллик сезилмаётгани — коммунистларни кўпдан иқтисодий тараққиёт ҳақидаги ваъдаларни ҳам йўққа чиқарди. Халқ Давлат думасида ўтириб ақл ўргатиш, танбеҳ бериш, даг-дага қилиш бошқаю, амалий иш билан ўзини кўрсатиш бошқа эканлигини — коммунистлар қўллаб-қувватлаётган ҳозирги ҳукумат тимсолида кўриб турибди. Одамлар «бизнинг кадрлар ҳукумат тепасига келса, бир ҳафта ичида иқтисодиётда тартиб ўрнатамиз», деб коммунистлар томонидан берилган ваъдаларни унутишгани йўқ. Ана шу сабабларга кўра коммунистлар Президентни умумхалқ йўли билан сайлашга қарши чиқиб, Конституцияга ўзгартириш киритиб, Президент Федерал Кенгаш томонидан сайланиши лозим, деган таклифни илгари сурмоқдалар. Чунки Федерал Кенгаш аъзоларининг кўпчилигини «қизил» губернаторлар ташкил этади. Россиядаги 70 фоиз аҳоли эса Президент халқ томонидан эркин сайлов орқали сайланиши тарафдори эканлигини билдирди.

Ўзларини ўрталикдаги сиёсий ҳаракат деб билувчи учинчи куч ҳам борки, улар муддатидан олдин Президент сайловини ўтказишни талаб қилмоқдалар. «Ўрталикда»ги кучларнинг етакчилигига Москва шаҳри мэри Ю. Лужков ва Красноярск ўлкаси губернатори А. Лебедь даъвогарлик қилмоқдалар. Ўзини «центрист» деб билгувчи яна бир сиёсатчи — собиқ Бош вазир В. Черномирдин кейинги пайтда «қайноқ» сиёсатнинг четига чиқиб қолганга ўхшамоқда. Бироқ Виктор Степанович ҳозир кечаётган сиёсий курашлар ва сайловда ўзини иштироки хусусида «муддатидан қатъи назар, мен барибир Президент бўламан», деб узил-кесил жавобни айтган.

Президент маъмурияти раҳбарининг биринчи ўринбосари О. Сисуев «Президент лавозими фақат Борис Ельцинга эмас — унга бу мансаб ҳозир энг зарур нарса эмас — бутун мамлакатга керак», деб журналистларга баёнот берди. Унинг фикрича, «муддатидан олдин Президент сайлови мамлакат учун ҳалокатли»дир.

Президентнинг бетоблиги, коммунистларнинг фаоллашаётгани, мамлакатдаги аҳвол кун сайин мураккаблашиб бораётганлиги — демократик кучларни бирлашишга мажбур қилмоқда. Россияга демократик ислоҳотларнинг тақдирига масъуллик туйғуси кечагина бир-бири билан келиша олмаётган кучларни ўзаро яқинлаштирмоқда. Яна ўша О. Сисуев тили билан айтганда «демократик кучларнинг бирлашиши учун ҳозирдаёқ амалий қадамлар қўйилиши шарт, вақт бу ишни декабрь ойининг охиригача қилишни тақозо этмоқда». Чунки вақт мавжуд учта сиёсий кучдан қай бирининг фойдасига ишлаётганини — ушбу кучлар раҳнамолари жуда яхши ҳис этиб туришибди.

Жалолиддин САФОЕВ

Қотил дарров ушланди

Жиноятчи мачитда намоз ўқиётган кишилардан бирига тўппончадан ўқ узиб ўлдирди ва имомни оғир ярадор қилди. Ливан радиосининг хабарига кўра, ушбу фожиа Саудия Арабистони пойтахти — Ар-Риёд шаҳридан жануброқдаги Ан-Нимас қишлоғидаги мачитда юз берди. Бошқа намозхонлар жиноятчини тезда ушлаб полицияга топширишди. Тергов натижасида маълум бўлдики, қотил ва унинг қурбони пул учун баҳс юритишган. Тасодифий жабрланувчи бўлмиш имом эса оғир ярадор бўлиб, ҳозир жонлантириш хонасида. Саудия қонунчилигига кўра, қотиллик, зўрлаш ва ўғирлик учун ўлим жазоси берилади



Алломани хотирлаб

Улкан олим ва фан ташкилотчиси, беназир устоз ва ажойиб инсон, академик Иброҳим Мўминов таваллудига 90 йил тўлди. Кеча шу муносабат билан ЎзР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтида ушбу санага бағишланган тантанали йиғилиш ва илмий анжуман бўлиб ўтди. Уни республика Фанлар академиясининг президенти, академик Тўхтамурод Жўраев кириш сўзи билан очди. Аллома номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори, фалсафа фанлари доктори Абдулҳафиз Жалолов Иброҳим Мўминовнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида маъруза қилди. Маърузачи ҳамда сўзга чиққанлар: академик М. Хайруллаев, ЎзР ФА мухбир-аъзолари А. Валиев, О. Ҳикматов, филология фанлари доктори Т. Мирзаев, тарих фанлари доктори Ҳ. Зиёев, фалсафа фанлари доктори Қ. Хоназаров, ҳуқуқ фанлари докторлари F. Аҳмедов, И. Жалилов ва бошқалар Иброҳим Мўминовнинг Ўзбекистонда ижтимоий-гуманитар, хусусан, фалсафа фанларини ривожлантириш, миллий зиёли кадрларни етиштиришдаги хизматлари ҳақида сўзлаб, мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов томонидан жамиятшунослар олдига қўйилган долзарб муаммоларни ҳал этиш йўллари тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

С. ШЕРАЛИЕВ

Суиқасддан мақсад нима эди?

Ироқдаги расмий оммавий ахборот воситалари Президент Саддам Ҳусайннинг ўринбосари Иззат Иброҳимнинг ҳаётига суиқасд қилишга уриниш бўлганлигини хабар қилишди. Ироқ телевидениесининг маълумотларига кўра, Иззат Иброҳимга иккита граната улоқтирилган. У якшанба куни Бағдоддан жануброқдаги шиаларнинг муқаддас шаҳри Карбалодаги диний маросимда қатнашиш учун келиб, ўз машинасидан тушаётган эди. Хабарларга кўра, Иброҳимга ҳеч қандай зарар етмаган. Бироқ, бир қанча тан қўриқчиси ярадор бўлган. Суиқасд ҳақидаги хабарлар Ироқдаги 16 та мухолифатчи гуруҳ вакиллари Лондонда Президент Саддам Ҳусайнга қарши курашда кучларини бирлаштириш мақсадида музокаралар олиб бораётган пайтда тарқатилди. Музокаралар Буюк Британия Яқин Шарқ масалалари бўйича вазири Дерек Флетчер раҳбарлигида бўлиб ўтди. Унинг сўзларига қараганда Британия Саддам Ҳусайн ва унинг ҳукумати инсониятга қарши амалга оширган жиноятларни очиб ташлаш учун трибунал ташкил этишни мўлжалламоқда.

Оғир жанглар давом этмоқда

Афғонистоннинг шимолида толиблар ва уларга қарши турган Аҳмад Шоҳ Масъуд қўшинлари ўртасида оғир жанглар давом этмоқда. Айрим вакилларнинг маълумотларига кўра, Масъуд қўшинлари Саланг довонида ҳужум бошлаб юборди. Ўнлаб толиблар асирга олинган. Бугунги кунда Афғонистондан бир-бирига қарама-қарши хабарлар тарқалмоқда. Масалан, Шоҳ Масъуд қўшинлари вакилларининг айтишига кўра, улар гўё Бағлон вилоятидаги Нахрин аҳоли пунктини озод этишган. Толибларни Саланг довонидан 15 километр узоқликка ҳайдаб юборишган. 15 та толибни асирликка олишган. Бироқ, толибонларнинг вакили Амир Хон Муттакий бу хабарни рад этган. Унинг сўзларига қараганда, жангларда ҳеч ким муваффақиятга эришмаган. Ўша куни Аҳмад Шоҳ Масъуд қўшинлари Кобул аэропортини бомбардимон қилишган. Бир неча ракеталар аэропортнинг омборхоналарига тушган. Қурбонлар ва кўрилган зарар ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Туҳмат

Инсонлар қачонки дуога қўл очаркан, ўт балосидан, сув балосидан ва туҳмат балосидан асрасин, дейишади...

Исмоил ака ана шулардан бири туҳмат балосига гирифтор бўлди. Уни ноҳақ ишдан олишди. Фақатгина ишдан олибгина қўймай, бошига турли хил мусибатларни солдилар.

«Мен, Исмоилжон Қурбоновман. 1946 йилда Наманган вилоятининг Мингбулоқ тумани, Меҳнатобод қишлоғида туғилганман. Оилалиман. Уч фарзандим бор. 1969-72 йиллари Кўқон автомобиль билим юртини, 1979-82 йилда бўлса Саратов шаҳридаги Давлат автомобиль назорати ходимлари тайёрловчи милиция махсус ўрта мактабини сиртдан ўқиб тугатдим. Иш фаолиятимни 1974 йилда Мингбулоқ туман ички ишлар бўлимида ДАН гуруҳида йўл назоратидан бошладим. 1979 йилдан катта назоратчиликка тайинландим. Иш жараёнида бир неча марта «Бенуқсон хизмати учун» I-II даражали нишони билан мукофотландим. Ана шундай 1985 йилгача ишладим. Айтишади, ёмон кўздан асрасин деб. Бироқ, ана шу йили мени ишимга кўз тегди. Қанчалик яхши ишламайин, бошлиқ Т. Аҳмадалиевга ёқмай қолдим шекилли, турли хил баҳоналарни рўкач қилиб ишдан олишмоқчи бўлди. Қанча уринишмасин мендан айб тополмагандан сўнг мени Наманган туманига ДАН бўлинмасига катта назоратчи қилиб тайинлашди. Мен кўп нарсани кейин, таъқиб остига олинганимдан сўнг тушуна бошладим. Нима бўлди, дейсизми? 1986 йили ёз ойлари эди. Кунларнинг бирида туман ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари Э. Қодиров хонасига чақиртирди. Осмондан тушгандай, «Абдураҳмон Алиевдан 500 сўм пора олиб, ишини тўғрилаб берибсан, деди. Бу ишни кўриб чиқиш учун материалларни туман прокуратурасига жўнатамиз».

Мен бу гапга ҳайрон бўлиб қолдим. Алиев деган шахсни ҳеч кўрмаганман, танимайман. Шунча йил ишлаб, бировдан пора олмаганман, қолаверса, ҳеч кимга пора бермайман ҳам, дедимда чиқиб кетдим. Иш жойимга бориб ҳужжатларни кўтариб кўрдим. Ҳақиқатдан ҳам А. Алиев маст ҳолатда ҳайдовчилик гувоҳномасисиз транспорт бошқарганлиги учун машинаси олиниб, ДАН ҳовлисига келтирилиб қўйилган экан.

«Мен Алиев Абдураҳмон. Тўрақўрғон тумани Сарой қишлоғида яшайман. Милиция катта нозири Исмоилжон Қурбоновни танимайман. Мен маст ҳолатда ўзимга тегишли машинамни ҳайдовчилик гувоҳномасисиз ҳайдаб юрганимда вилоят ДАН ходими А.Тошкенбоев йўлда тўхтатиб машинамни олиб қўйди. Мен давлат омонат кассасига 100 сўм жарима тўладим. И. Қурбоновга пора бермаганман. Тушунтириш хати ўз қўлим билан тўғри ёзилган».

Шундан сўнг мени мусибатли кунларим бошлан-

1

ди. Раҳбарлар мени сиқувга олиб «шу ишни қилганман дейсан» деб мажбур қилишди. Қандай қилмаган ишимни қилдим деб айтаман ахир. Қани ҳақиқат борми ўзи бу дунёда».

Хуллас, И. Қурбоновни бу ишга мажбур қилолмаганларидан сўнг жиноий иш Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 5-моддасини 2-қисмига асосланиб ҳаракатдан тўхтатилади. Уни Задарё тумани ички ишлар бўлимининг ДАН бўлинмаси катта нозири этиб тайинлашади. У ҳақ эканлигини исботлагач, олдингидан ҳам руҳланиб ишлай бошлайди.

1986 йил 26 май. И. Қурбоновнинг дам олиш куни эди. Уйига ўзи билан бирга ишлайдиган ДАН ходими Муҳаммаджон Низомов телефон қилади ва чойхонага бориб дам олишликларини айтади. Улар «Шаҳанд» санаторийсидаги чойхонага боришади. Дам олишиб бўлгач санаторий дарвозасидан чиқаётганида қоровул уларнинг машинасини дарвозадан чиқармайди. Чунки, ичкарига кириб чиқиш одам боши 50 тийиндан бўлган. Ана шуни тўлаб чиқинглар дейди. Булар кириш вақтида пул тўлаганликларини айтишади. Шунда тўсатдан очиқ турган дарвозанинг бир табақаси беихтиёр ёпилиб кетиб, М. Низомовнинг машинасини орқа томонидан келиб уради. Мол аччиғи жон аччиғи деганларидек, энсаси қотган М. Низомов қоровул О. Аҳмедовни ноўрин сўзлар билан ҳақоратлаб кетади.

«Мен Омонулла Аҳмедов. 72 ёшдаман. Шаҳандда яшайман. Олдинлари «Шаҳанд» санаторийсида қоровул бўлиб ишлаганман. Ўша вақтларнинг бирида санаторий чойхонасига М. Низомов ва И. Қурбоновлар дам олгани келишганди. Шунда бизларнинг орамизда келишмовчилик бўлиб қолганди. Бунга М. Низомов сабабчи бўлган. И. Қурбонов ҳеч қандай ножўя ҳаракат қилгани йўқ. Менимча, бу кишига нотўғри жазо беришган. Бунга қарши бўлганман. Сабаби айбсизни айбдор дейишга кимнинг ҳаққи бор».

Кейин нима бўлди дейсизми? М. Низомовнинг қилган иши учун калтакнинг бир учи келиб И. Қурбоновнинг бошига ҳам тегади.

Ўша куни кечаси соат иккилар чамасида И. Қурбоновни ишхонасига, яъни ички ишлар бўлимига бошлиқ Т. Аҳмадалиев чақиради. У шоша-пиша боришга отланади. Бошлиқнинг олдига борганида унга шундай деди: — «М. Низомов қовун тушириб қўйибди, участка нозирини олинг-да М. Низомовни топиб келасиз, буюрди бошлиқ. Зудлик билан И. Қурбонов Низомовни уйидан олиб келади. Бошлиқ Т. Аҳмадалиев кундузи қилган ишларини рўкач қилган ҳолда «Шаҳанд» санаторийси бош ҳаками Р. Мадаминов олдида уларга дўқ-пўписа қилиб, керакли чорани кўришни айтади».

Бу сўзларга чидай олмаган И. Қурбонов бошлиққа қарата шундай дейди: «Қайси

2

қилган айбим учун менга чора кўрасиз. М. Низомов билан Р. Мадаминовнинг жанжалларининг орасида бўлмаган бўлсам».

Майли, бу ишда сизнинг айбингиз бўлмаса аралашмай кўя қолинг, дейди-да бошлиқ унга жавоб бериб юборди.

«Мен Р. Мадаминов бўламан. Жомашўй қўрғони марказида яшайман. И. Қурбоновни жуда яхши танийман. У кишини бизнинг М. Низомов билан бўлган жанжалимизга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Қоровул О. Аҳмедов нимани гапирган бўлса ҳаммасига қўшиламан. Ёзганларим аслига тўғри деб Р. Мадаминов. Имзо».

27 май 1986 йил. Ўртоқлик суди бошланди. Судда М. Низомовга ўз вазифасини суиистеъмол қилганлари учун хайфсан эълон қилинди.

Орадан 15 кунлар ўтди. Вилот ички ишлар бошқармаси бошлиғи Г. А. Гаврилчиев М. Низомовни хизмат гувоҳномасини олиб ишдан четлатди. И. Қурбоновга бўлса вақтинчалик ўз вазифасидан четланиши ва кадрлар ихтиёрида бўлишлигини айтади. Аслида бу иккисини устидан Тўрақўрғон туманида прокуратура томонидан жиноий иш кўзғатилган эди. 45 кун у прокуратурага қатнайди. Ниҳоят И. Қурбонов айбсиз деб топилади.

«Шу билан менга нисбатан қўлланилаётган таъқибга якун ясалган бўлса керак деб ўйладим. Бироқ, қувонишга ҳали эрта экан. Уйга келсам турмуш ўртоғим Дилбарой Қурбонова вилоят прокуратурасидан Р. Иномов излаб келиб кетди, олдига боررкансиз деди. Мен прокуратурага бориб, унга учрашдим. У менга фуқаро А. Умаров аризасига кўра устингиздан жиноий иш қўзғатилган, деди. Мен нима қилишимни билмай лол бўлиб қолдим».

«Мен Асқарали Умаровман. 1987 йилда Задарё тумани «Олтинкўл» номли жамоа хўжалигининг биринчи бўлимида туғилганман. Ҳозир ҳам шу жойда яшайман. Миллатим ўзбек. Оилалиман. 5 нафар фарзандим бор. Тракторчи бўлиб ишлайман. 1985 йил август ойида кеч соат саккизлар чамасида Ильич жамоа хўжалигининг 5- бўлим ҳудудида «ИЖ» мотоциклини миниб келаётиб, транспорт ҳодисасини содир этдим. Туман тезкор ДАН ходими И. Қурбонов воқеа жойига етиб келди. Гувоҳлар иштирокида воқеани ўрганди ва ишимни терговга оширди. Жазоимни олиб, берилган муддатни ўтаб келдим. Мендан ДАН ходими И. Қурбонов пул сўраган эмас, ҳеч қанақанги пул берганим йўқ. Ҳаммаси И. Қурбоновга қилинган туҳмат гаплар деб биламан. Тушунтириш хатини ўз қўлим билан тўғри ёздим деб А. Умаров».

Ана холос, бу ёғи неча пулдан тушди? Прокурор Р. Иномов нимага асосланиб И. Қурбонов устидан жиноий иш қўзғатди?!:

Бу ишдан ҳам ҳеч нарса ўз исботини топмади. Мени фақат копток қилиб ўйнашдилар. Бироқ, орада кадрлар ихтиёрида бўлиб, 6 ой маошсиз юрдим. Бир куни тоқатим тоқ

3

бўлиб вилоят ички ишлар бўлими бошлиғи С. Бандаренкога ойлик олмаётганлигимни, болаларим қийналиб қолганлигини айтдим. У бош ҳисобчига айтгандан сўнг, менга 121 сўм пул ажратишди. Буни қарангки, Оллоҳ бу пулни ҳам кўп кўрди. Бош ҳисобчи орадан бир кун ўтгандан сўнг «сенга пул бериш мумкин эмас экан» деб қайтариб олди.

1987 йилнинг ёзи. И. Қурбоновни Косонсой туманига навбатчилик қисмига вақтинча ишга қўйишади. Бу ерда ҳам унинг омади чопмади. Бошлиқ М. Усмонов уни хонасига чақиртиради ва бошқарма бошлиғининг (оғзаки) буйруғига асосан ишдан бўшашингиз керак, дейди. Бориб унга учрашишлигини уқтиради. У бошқармага боررкан, бошлиқ унга «сенинг ишинг судга ошган. Хизмат гувоҳномангни топшир, деб ўдағайлайди. Қачонки оқланганинг тўғрисида терговчидан қоғоз олиб келсанг, қайтадан ишингда ишлайсан деб қўшиб қўяди.

Шундай қилиб И. Қурбонов ишдан четлатилади. Унга ишлаган олти ойлик иш кунига бир сўм ҳам пул тўлашмайди. Ишдан четлатиш сабабига ўн марта суҳбат қилинди. Суҳбатдан ўтолмади. Узлуксиз, сабабсиз ишдан қолиб келган дея сабаб қўйишади. Мана сизга ҳақиқат.

«Шундан сўнг, орада анча югурдим. Қайта ишга тиклана олмадим. 1992 йил 11 кишини олиб, Сирдарё вилоятининг Меҳнатобод туманига бордик. У ерда «Бўстон» фермер хўжалигини очдик».

«Мен Дилбарой Қурбоноваман. Мингбулоқ туманининг «Авангард» қишлоғида туғилганман. Ҳозирги вақтда Жомашўйда Ўзбекистоннинг 60 йиллиги кўчаси 8- уйда яшайман. 1992 йили хўжайиним И. Қурбонов Сирдарё вилоятига ер олиб ишлагани кетди. Мен уч болам билан уйда қолдим. Ўзим болалар боғчасида ишлардим. Бир куни боғча мудираси М. Бориева менга туман прокуратурасига зудлик билан етиб бораркансиз, деди.

4

Ҳафталик кўрсатувлар

ДУШАНБА 30

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.40 «Таҳлилнома».
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Андижон — Бобур Ватани».
9.25 «Жаҳон спорти».
9.35 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
10.40 Кундузги сеанс. «Бувам, Килиан ва мен». Бадиий фильм.
12.05 «Санъат олами».
12.25 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.55 «Ўзбекистон ифтихори». Бадиий спорт дастури.
13.35—14.00 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
18.25 «Олам ва одам».
18.40 «Қонун ва ижро».
18.55 «Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Биржа ва банк хабарлари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Иқтисод ва биз».
21.30 «Янграсин шўх яллалар». Мусиқий дастур.
22.05 «Сиёсат оламида».
22.25 «Маънавият» дастури.
23.15 «Ўзбек театри дарғаси». Маннон Уйғур таваллудининг 100 йиллигига бағишланади.
23.55 «Ахборот».
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
18.20 «Ақл ёшдамас».
18.35 «Эгиз қушиқлар».
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Буюк юрт фарзандиман».
19.40, 20.30, 22.25 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал.
20.35 «Ёшлар» телеканалида.
20.40 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
21.00 «Ёшлар» телеканалида премьера. «Аёл зоти». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 1-қисм.
21.30 «Узбегим».
21.50 «Кулгига нима етсин».
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Синема. «Чин муҳаббат».
00.10 Хайрли тун!

ТНТ

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 Телефакт.
18.30 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Мухлис—ТВ».
20.20 Мусиқий парча.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Олтин калит» лотереяси.
21.20 «Таггерт». Телесериал.
22.10 «Чемпион билан учрашув».
22.35 Телефакт.
22.45 «ДАРАКЧИ».
22.55 «Минг бир ҳикмат».
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 Саргузашт фильмлар экрани.
01.05 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

* * *

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».

*

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
Россия жамоат телевидениеси.
18.45 «Тигиз пайт».
19.05 Душанба куни Познер билан. «Биз» дастури.
19.45 «Соялар чошгоҳда йўқолади». Сериал.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».

*

21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 142-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Замонавий дизайн».
22.45 «Вақт хазинасидан».
23.00 «Вести».
23.30 «Москва кўзёшларга ишонмайди». Бадиий фильм. 1-серия.
00.40 «Ахборот» (рус тилида).
01.05 Тунги сеанс: Ален Делон «Буйсунмас» фильмида. 1-қисм.
02.05—02.10 Тунингиз осуда бўлсин!

СЕШАНБА 1

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 Лирик тароналар.
9.05 «Жан Кристофф». Телевизион бадиий фильм. 1-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ватан туйғуси».
11.00 «Киефа».
12.05 Осиё ўйинлари. «Бангкокдан—Сиднейгача».

«Умид» намойиш этади:
12.25 «Қишнинг биринчи куни».
12.35 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».

*

12.55 — 14.00 Кундузги сеанс. «Йўл бўлсин». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Умр гулшани». Тамилла Қосимова.
18.45 «Аср муаммоси».
19.05 «Бинокор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.20, 22.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Аруз гулшани».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Акс садо».
21.35 «Келин-куёв». Телешоу.
22.25 Санъат усталарининг концерти.
23.00 «Узлигинг намоён қил». Экранда—Сирдарё вилояти.
23.25 «Ахборот».
23.55—24.00 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
18.20 «Ёшлар ва спорт».
18.35 Ватан манзаралари.
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.40, 20.30, 22.25 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал.
20.35 «Ёшлар» телеканалида.
20.40 Сиз севган хонанда: Дилфуза Раҳимова.
21.00 «Ёшлар» телеканалида премьера. «Аёл зоти». Кўп қисмли бадиий фильм. 2-қисм.
21.30 «Очун». Қорақалпоғистондан тайёрланган. 2-кўрсатув.
21.50 Шарқ эстрадаси.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Синема. «Чин муҳаббат».
00.10 Хайрли тун!

ТНТ

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 Болалар учун. «Энди эртак бошланади».
18.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 «Табиат шифохонаси».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Мисли гавҳар».
20.15 «Ҳиндистондан салом».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
22.25 «Бешинчи ўлчов».
22.45 «ДАРАКЧИ».
22.55 «Бу—джаз».
23.15 «Морт ва Фил». Мультсериал.
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
23.45 «Кинонигоҳ».
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Шу ерда ва ҳозир».
19.05 «Мавзу».
19.50 «Соялар чошгоҳда йўқолади». Сериал.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 143-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Таъзим».
22.45 «Подиум».
23.00 «Вести».
23.30 «Москва кўзёшларга ишонмайди». Бадиий фильм. 2-серия.
00.50 «Ахборот» (рус тилида).
01.15 Тунги сеанс: «Буйсунмас». Бадиий фильм. 2-қисм.
02.15—02.20 Тунингиз осуда бўлсин!

ЧОРШАНБА 2

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».

*

8.30 «Оҳанглар жилоси». Мусиқий дастур.
8.50 «Мураббий». Спорт дастури.
9.05 «Жан Кристофф». Телевизион бадиий фильм. 2-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.35 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий кўрсатув.
10.55 «Маърифат маскани».
11.35 «Мактублар — кабутарлар».
12.05 «Икки жин». Мультфильм.
12.15 «Акс садо».
12.45 Ш. Холмўзаев. «Қадимда бўлган экан...» Видеофильм. 1-қисм.
14.10—14.40 «Муз-ринг». Мусиқий дастур.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
18.30 «Қатрада қуёш акси».
18.50 «Ранглар жилоси».
19.05 «Таянч нуқтаси».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 23.15 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Вазият».
21.25 «Диёр мадҳи». Мусиқий дастур.
21.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Амур Темур ва Тўхтамишхон». Фильм-спектакль премьераси.
23.20 «Талқин. XX аср».
23.45 «Ахборот».
00.15—00.20 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
18.20 «Доира зарби».
18.40 «Минг бир маслаҳат».
18.55 Мусиқий клип-антракт.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 Муҳаббат наволари.
19.35 «Ракурс».
20.00 Спорт-лотто.
20.10 «Лаззат».
20.25, 22.45 — Эълонлар.
20.30 «Ринг».
20.45 «Меҳр кўзда».
21.05 «Ёшлик куйлайди».
21.20 «02» тўлқинида.
21.30 «Спектаклдан сўнг».
21.50 «Ёшлар» телеканалида.
21.55 Мусиқий лаҳзалар.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.25 Хит-коллекция.
22.50 Синема: «Қизил помада изи».
00.30 Хайрли тун!

ТНТ

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 «Тесвот сурати».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 23.15 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Онагинам».
20.20 Мусиқий лаҳза.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тошкент ҳайвонот боғи». Телелавҳа.
21.10 «Менинг Тошкентим». Муаллифлик кўрсатуви.
21.40 «Таггерт». Телесериал.
22.30 Эстрада концерти.
22.45 «ДАРАКЧИ».
22.55 «Кўзгу».
23.15 Оҳанглар ва эълонлар.
23.25 Видео—«О».
01.05 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Шу ерда ва ҳозир».
19.05 «Эслашлари учун...». Борис Новиков. Л. Филатов олиб боради.
19.45 «Соялар чошгоҳда йўқолади». Сериал.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 145-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Глинка—44».
22.40 «Спорт-клуб».
23.00 «Вести».
23.30 «Кино сайёраси».
23.45 Кинематограф: «Киборг полициячи I».
01.30 «Ахборот» (рус тилида).
01.55—02.00 Тунингиз осуда бўлсин!

ПАЙШАНБА 3

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Қўшиқ билан қўраман оламни». Мусиқий дастур.
9.05 «Жан Кристофф». Телевизион бадиий фильм. 3-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон — ҳаёт гултожи».
10.25 «Талаба ва спорт».
10.40 «Маслак ва мақсад».
11.00 «Топилмалар идораси». Мультфильм.
11.10 «Кафолат».
11.30 «Шоирлар — болаларга».
12.05 «Фан — тараққиёт негизи».
12.25 «Муҳаббатим, қувончим, дардим». Мусиқий композиция.
12.45 — 14.00 Кундузги сеанс. «Интеграл». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Усмирлар учун. «Уз ўрнинг бор».
18.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.45 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6 йиллигига. «Тўртинчи ҳокимият».
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни».
21.40 «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
22.15 «Сомон йўли».
23.05 Дзюдо бўйича ёшлар ўртасида халқаро турнир.
23.25 «Саҳна ҳаёти».
23.50 «Ахборот».
00.20—00.25 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
18.20 «Табобат оламида».
18.35 «Муқаддас қадамжолар».
18.50 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 Ёшлик наволари.
19.40, 20.30, 22.40 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал.
20.35 «Одобнома».
20.45 Танишинг: Равшан Тиллахонов.
21.00 «Ёшлар» телеканалида премьера. «Аёл зоти». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 3-қисм.
21.30 Шарқ эстрадаси.
21.40 «Мезон». Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6 йиллигига.
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.20 Мутойиба.
22.45 «Ёшлар» телеканалида премьера. У. Кўчкор. «Имом Бухорий». Ҳ. Олимжон номидаги Самарқанд давлат мусиқали драма театрининг спектакли.
00.05 Хайрли тун!

ТНТ

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 «Ривоят».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Билиб қўйган яхши».
20.15 Мусиқий дақиқалар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ҳанда дўкони».
21.25 «Тошкент ва тошкентликлар».
21.40 «Нафосат гулшани».
22.05 Ҳудуд «М». Ёшлар дастури.
22.30 «ДАРАКЧИ».
22.40 «Дарбоз Тошкенбоевлар». Телефильм.
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.20 Видео—«О».
01.00 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
17.10—18.45 Туркия телевидениеси
Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Шу ерда ва ҳозир».
19.05 «Эслашлари учун...». Борис Новиков. Л. Филатов олиб боради.
19.45 «Соялар чошгоҳда йўқолади». Сериал.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 145-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Глинка—44».
22.40 «Спорт-клуб».
23.00 «Вести».
23.30 «Кино сайёраси».
23.45 Кинематограф: «Киборг полициячи I».
01.30 «Ахборот» (рус тилида).
01.55—02.00 Тунингиз осуда бўлсин!

ЖУМА 4

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
8.30 «Умрбоқий қушиқлар». Концерт.
8.50 Осиё ўйинлари. «Бангкокдан — Сиднейгача».
9.05 «Жан Кристофф». Телевизион бадиий фильм. 4-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Осон эмас бу майдон ичра...». Адабий кўрсатув.
11.00 Кундузги сеанс: «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. 1-серия.

«Умид» намойиш этади:
12.05 «Орзулар қанотида».
12.30 «Баҳс».
12.45 «Меҳр қолур».
13.00 — 14.00 Кундузги сеанс. «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. 2-серия.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун «Ҳикматнома».
18.25 «Нуқтаи назар».
18.40 «Қалб гавҳари».
19.05 «Парламент соати».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.35 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Омонлик тилаймиз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мавзу».
22.05 «Водий тароналари». Мусиқий дастур.
22.40 «Мулкдор» газетаси — «Мулкдор» кўрсатувининг меҳмони.
23.00 «Кинонинг минг бир олами».
23.20 «Ахборот».

«Мунаввар дунё».
Дам олиш дастури:
23.50 «Азиз сиймолар».
00.10 Бадиий фильм.
01.30—01.35 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
18.20 «Ўйна гулим, ўйна».
18.40 «Ҳуқуқ ва бурч». Конституция ва ёшлар. 2-кўрсатув.
18.50 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Шабнам».
19.40, 20.30, 22.25 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал.
20.35 «Талабалар шаҳарчаси».
20.50 Бир жуфт қўшиқ.
21.00 «Автосалтанат».
21.10 «Дунё спорти».
21.25 Ҳожибой қизиқ: «Танимадинг-а...». 3-кўрсатув.
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Синема. (Ҳиндистон).
00.30 «Мунаввар тонг истаб!».

ТНТ

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 «Рақслар жилоси».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Нурли мавж».
21.20 «Кино ва замон».
21.50 «Мусиқий меҳмонхона».
22.20 Спорт оламида.
22.50 «ДАРАКЧИ».
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 Ўгирланган». Бадиий фильм.
00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
17.10-18.45 Туркия телевидениеси
18.45 «Эшмат — фаришта». Қисқа метражли бадиий фильм.
Россия жамоат телевидениеси
19.15 «Сиҳат-саломатлик».
19.45 «Муъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 146-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Сизнинг адвокатингиз».
22.40 «Дил изҳори».
23.00 «Вести».
23.30 «Оскар» совриндорлари антологияси.
23.45 «Квай дарёси узра кўприк». Бадиий фильм. 1-серия.
01.00 «Ахборот» (рус тилида).
01.25 Тунги сеанс: «Квай дарёси узра кўприк». Бадиий фильм. 2-серия.
02.45-02.50 Тунингиз осуда бўлсин!

ШАНБА 5

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.05 «Мозийдан бир муъжиза».
9.20 «Халқ севган достонлар». Ўзбекистон халқ артисти Рўзимбек Муродов. 1-кўрсатув.
9.50 «Ҳаёт чашмалари».
10.10 «Шоҳруҳ» клуби.

«Умид» намойиш этади:
10.30 «Қўғирчоқлар тилга кирганда».
10.50 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
11.10 «Мен билган, билмаган дунё».
11.30 «Ўйла, изла, топ!». Телемусобақа.
12.10 «Жаҳон театри».
12.25 «Чорраҳа».
12.55 Кундузги сеанс. «Суюнчи». Бадиий фильм.
14.05 «Келин-куёв». Телешоу.
14.50 — 15.30 «Ҳамроз».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультолам.
18.20 «Соғинч соҳили».
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 21.00, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.20 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қишлоқ ҳаёти».
21.25 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
22.05 «Халқ кўнгли». Адабий кўрсатув.
22.30 «Ахборот».

«Тунги ёғду» дам олиш дастури:
23.00 «Мусиқий саёҳат».
23.20 «Макаллум». Бадиий фильм. 5-серия.
00.10—00.15 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Ўй вазифаси», Мульттомоша).
18.40 «Семург».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 Дил тароналари.
19.40, 20.30, 22.50 — Эълонлар.
19.45 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
20.35 «Баҳс, мунозара, таҳлил».
20.50 «Бизнес академия».
21.05 «Мусиқа теграсида».
21.20 «Йирик планда». Роберт де Ниро.
21.40 «Сир».
21.55 «»ЁШЛАР» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.25 «Интерфутбол».
22.55 «Синема». «Ўйинқаро». Бош ролларда Роберт де Ниро ва Дастин Хофман.
00.35 Хайрли тун!

ТНТ

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30 «Табиат шифохонаси».
18.45 «Қонун ҳимоясида».
18.50 «Ер қурраси».
19.15 Мусиқий танаффус.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Мисли гавҳар».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Даллас». Телесериал.
21.55 «Муаллиф».
22.25 «Хобби-холл».
22.45 «ДАРАКЧИ».
22.55 Эълонлар ва оҳанглар.
23.15 «Кинонигоҳ».
00.45 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси».
9.25 «Киборг — полициячи». Бадиий фильм.
11.05 «Байяр қасри калитлари». Телевизион ўйин.
12.35 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз!».
13.05—13.25 «Дидар».
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Кўзмунчоқ».
19.10 «Ҳунар соҳиблари».
19.25 «Мусиқий Олимп».
19.45 «Бу — Хитой».
20.00 «Тасвир-98».
20.15 «Биргаликда куйлаймиз».
Россия жамоат телевидениеси
21.00 «Время».
21.35 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.
22.30 «Бизнес-доктор».
23.00 «Келиннинг отаси». Бадиий фильм.
00.40 «Ахборот» (рус тилида).
00.55 Тунги сеанс: «Орхидея» вилласи». Бадиий фильм.
02.25—02.30 Тунингиз осуда бўлсин!

ЯКШАНБА 6

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «Халқ севган достонлар». Ўзбекистон халқ артисти Рўзимбек Муродов. 2-кўрсатув.

«Умид» намойиш этади:
9.40 «Талабалик йилларим».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Қушигим — жон қушигим».
11.35 «Тасвирга кўчган кўнгил».
12.00 «Қишлоқ ҳаёти».
12.20 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
13.00—14.30 Кундузги сеанс: «Дунёнинг энг гўзал аёли». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

«Умид» намойиш этади:
18.00 «Беш бармоқ». Тележурнал.
18.20 «Ёшлар ва эстрада».
18.45 «Ўйғоқ қунлар». Кинокўрсатув.
19.00 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6 йиллигига. «Узлик».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Обод ўйда пок одамлар яшайди». Таҳлилий кўрсатув.
21.40 «Телевизион миниатюралар театри».
22.15 «Якшанба оқшомида». Мусиқий-дам олиш дастури.
22.50 ТВ—1 намойиш этади. Телеанонс.
23.05 XIII Осиё ўйинларининг тантанали очилиши.

«Аср мўъжизаси» кинодастури:
23.35 Кино янгиликлари.
23.50 «Жаҳон киноси юлдузлари».
00.10 «Макаллум». Бадиий фильм. 6-серия.
01.00—01.05 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.20 Ватан манзаралари.
9.40 Сиз севган хонанда: Аваз Олимов.
9.55 «Ақл ёшдамас».
10.10 «ЁШЛАР» телеканалида.
10.15 Минг бир маслаҳат.
10.30 Ракурс.
10.55 «Дилбарим».
11.15 «ЁШЛАР» ва спорт».
11.30 «Ёшлик куйлайди».
11.45 Спектаклдан сўнг.
12.05 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
12.50 «Очун». Қорақалпоғистондан тайёрланган. 2-кўрсатув.
13.10 «Ринг».
13.25 «Синбад». Телесериал.
14.10 «Шу куннинг мавзуси».
14.30 «Синема».
16.10 «Жаҳон жўғрофияси».
17.00 «Аёл зоти». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 1-қисм (такрор).
17.30 «Буюк юрт фарзандиман».
17.40 «Дойче Велле» тақдим этади...

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
18.40 «Остонадаги орзулар».
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Илк қадам». Нуриддин Асқаров (Фарғона).
19.35, 20.25, 22.45 — Эълонлар.
19.40 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
20.30 «Далил ва шарҳ». Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига.
20.40 «Юлдузлар тахти».
21.25 Миллионлар ўйини.
21.45 Сиз ёқтирган қушиқлар.
21.55 «Юртим кўрки».
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.25 «Кинопрофи».
22.50 Синема. «Йиртқич-2».
00.30 Хайрли тун!

ТНТ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
8.20 «Жавоҳирлар соҳили».
8.40 «Сансет Биччнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
9.25 «Латифа».
9.35 «Таманно».
9.50 Болажонлар экрани.
11.20 «Ёввойи табиат».
11.45 «Бева Бланка». Телесериал.
12.30 «Туризм ҳақида».
13.00 «Талабларингизга биноан...».
13.10—14.50 Такрорий фильмлар экрани.

* * *

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Мухлис — ТВ».
18.30 «Кичкина деманг...».
18.55 «Дурдона».
19.10 «Хориж ҳангомаси».
19.20 «Етти иқлим оҳанглари».
19.25, 20.00, 20.25 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Мусиқий майдонча».
20.20 Минг бир ҳикмат.
20.30 «Таҳлилнома».
21.10 «Даллас». Телесериал.
21.55 «Мулоҳаза учун мавзу».
22.20 «ДАРАКЧИ».
22.30 «Мухлис—ТВ».
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 «Кинонигоҳ».
00.40 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
10.20 «Парле ву франсэ?».
10.45 «Бу ажиб дунё».
11.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.10 «Оскар» мукофоти антологияси».
11.25 «Квай узра кўприк». Бадиий фильм. 1-серия.
12.40 «Табиат билан танишув».
13.00 «Мен касбимни севаман».
13.10 «Сирдошим».
13.30—13.50 «Рангинкамон».
17.10—18.45 Туркия телевидениеси
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Жонли сайёра».
19.10 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
19.20 «Олтин серия». «Трембита» комедия.
20.55 Киноафиша.
21.00 «Время».
21.45 «Умр». Телеэссе.
22.10 Якшанба кинозали: «Ёш американликлар». Бадиий фильм.
23.50 «Таҳлилнома» (рус тилида).
00.20—00.25 Тунингиз осуда бўлсин!

Балоси...

Мен бордим. У ерда Тўрақўрғон прокуратураси терговчиси А. Мирзаабдуллаевга учрадим. У киши хўжайинимни қаердалигини сўради. Мен Сирдарёга ишлагани кетган дедим. Шунда у сенсираб сенинг эрингни устидан туман ҳокими М. Шарипов, туман прокурори А. Эронов, ички ишлар бўлими бошлиғи Т. Аҳмадалиевлар томонидан шикоят тушган. Ҳозир эрингнинг устидан жиноий иш қўзғатилиб, бутун иттифоқ қидирув эълон қилинган. Чунки у бир йиғилишда ҳокимнинг устидан бўҳтонлар уюштирган экан, деди. Сўнгра қўлимга битта қоғозни бериб, мана бунга қўл қўй деб кўрсатди. Мен қўл қўймадим. У кишига уй шароитим ҳақидаги саволига қараб маълумот бердим. Шунда у қизинг турмуш қурганми, деб сўради. Йўқ, дедим. Эрингни тез топиб кел, бўлмаса бошингга қора кунлар тушади. У қамоқдан қайтиб келмайди деди. Телефонларимни ёзиб олиб, сўнгра менга жавоб берди».

Шу бўлди-ю, у кунига менга Ҳовлисига кирсам қорачадан келган, новча йигит бор эди. У Дилбар опамга эрингни топ, бўлмаса сени ҳам керакли жойга олиб бориб қўяман. Яна оғзидан ҳар хил айтиб бўлмас гаплар чиқарди. Мен бу аҳволни кўриб, индамай чиқиб кетдим. Кейин билсам у киши Тўрақўрғон туман прокуратураси терговчиси А. Мирзаабдуллаев экан. Ушбуни ўз қўлим билан ёзганлигим тўғри деб, М. Эркабоев».

«Мен Эгамова Ўктамойман. Гигант колхозида тураман. Исмоил аканинг хотинлари Дилбаройни олдига тез-тез борардим. Бир куни уларнинг уйларига келиб қолганимда телефони жиринглаяпти экан. Шу пайт Дилбархон уйда кир ювиб ўтирган эди. Мен бориб телефонни кўтардим. Телефонда кимдир мен прокурор терговчиси А. Мирзаабдуллаевман деди. Нима ишларинг бор десам, Дилбарой опа керак деди. Менман дедим. Шунда у вақтингиз борми деб сўради. Келмасангиз ўзимиз борамиз дейишди. Вақтим йўқ. Нима сабабдан гаплашасизлар дедим. Ўзингизни вақтингиз бўлмаса, қизингизни вақти бўлар деди. Нима дейишимни билмай телефонни қўйиб қўйдим. Индамасдан эшикдан чиқиб кетдим».

Энтикиб қўйиб Дилбарой Қурбонова сўзида давом этди.

— Бир куни ишдан келсам, телефон тинмасдан жирингларди. Телефон гўшагини кўтарсам яна ўша таниш овоз А. Мирзаабдуллаевники эди. У эрингиз келмадими, дея сўради. Йўқ, дедим. Энди келмайди, деди у. Мени меҳмон қила оласизми, деди дабдурустдан. Бутун вужудимга титроқ кирди.. Эрим келса биргалашиб меҳмон қиламиз, дедим ноилож қўрққанимдан. Сизга айтдимку эрингиз келмайди деб яна қайтарди. Бўлмаса келишиб олсак, қизингизни бирортасини менга қўша оласизми? Шундай қилсангиз ўзингизга ҳам, эрингизга ҳам енгиллик бераман, деди. Телефонни гўшагини қўйдиму, ўзимни йўқотдим. Кейин нима бўлганини билмайман.

«Мен Ревзахон Қурбонова. Исмоилжон Қурбоновнинг катта қизлари бўламан. Жомашўйда тураман. 1992 йиллари Наманган педагогика институтида талаба эдим. Бир куни уйга шошиб келдим. Кийимларни ювмоқчи ҳам эдимки, телефон жирингиб қолди. Беихтиёр телефон трубкасини кўтардим. Шунда нотаниш эркак кишининг овози келди. У, бу кимнинг уйи деб сўради. Исмоил акаларники дедим. Сиз кими бўласиз, сўроқни давом эттирди у. Қизлари

O'ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998-yil 28-noyabr, shanba № 142 (24.379).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Шеърларим эшитса тоғлар

Тошқин сувга қулоқ тутаман,
Ҳайқираман, тўлиб-тошаман.
Қояларга тошлар отаман,
Шеърларимни эшитса тоғлар.

Йўловчиман кетаман тоғга —
Каклик қуйин эшитган тоғга.
Ирмоқларнинг қирғоқларига,
Шеърларимни эшитса тоғлар.

Мен ўқисам, агар мабодо
Қоялардан келади садо.
Уни олиб кетади сабо,
Шеърларимни эшитса тоғлар.

Тоғлар-тоғлар,
бағрингга келдим,
Дардларимни эшитгин,
дедим.
Сенга ахир, менинг
шу шеърим,
Эшитса-чи, шеъримни
тоғлар...

Отланасан ҳув тоғлар томон,
Яйлов кўм-кўк, оқиб ётар сув.
Қўйларингни адирга ёйиб,
Ўз-ўзингга давра қурасан.
Ўт-ўланга аста бош қўйиб,
Ётиб олиб хаёл сурасан.

Қизиқтирмас сени бу жойлар,
Борлиғимни қамраган шаҳар.
Кўм-кўк яйлов, пурвиқор тоғлар
Ўйларингнинг ортидан оқар.

Нега ерга қўнмайди улар,
Тоғлардан ҳам ошиб ўтади.
Ортига ҳеч қайрилмас улар,
Қўшиқлари давом этади.

* * *

Либослари сувга айланди,
Эриб-эриб кетяпти қор.
Булутларнинг бағри эзилди,
Лекин келди мен кутган баҳор.

Мавжудодлар шимирди сувни,
Кипригини қоқди табиат.
Қуёш гоҳо яширди юзни,
Табассумла кириб келди бахт.

Эрта тонгнинг саболарида
Атиргулнинг сочин ўряпман.
Водийларнинг сўқмоқларида
Мен баҳорнинг изин кўряпман.

Самоларнинг беланчагида
Қалдирғочлар учганин кўрдим.
Оқ булутлар туташ жойларда
«Қур-қур»лаган садони сездим.

Қалбимизда шивирлар баҳор:
«Тур-тур энди кўзларни очгин,
Ёдингга ол келди бу баҳор,
Кетмон олиб уруғлар сочгин».

ОЗОД ЭЛИМ

Сенсан менинг она диёрим
Чўққиларга қўлини чўзган.

Кўнгил уйғонганда



***

Майдончада турибман, ҳайҳот,
Қўлларимдан тўкилади қор.
Ў, бу қорда сира йўқ шафқат,
Юзларимда қизил доғи бор.

Ўйнаб-ўйнаб тушаяпти қор,
Ҳавас билан унга қарадим.
Бирни бирга қўшаяпти қор,
Мен-чи ёлғиз, кутаяпман, жим.

Хаёлларим алдади мени,
Учар қушдек учиб кетяпман.
Хаёлларим алдади мени,
Мен бир ойни кучиб кетяпман...

ЧЎПОН

Эрта тонгнинг шамоли билан
Қўлда таёқ, бир идишда сув,

ТУРНАЛАР

Самоларнинг бағрини қучиб,
Қайларгадир кетяпти улар.
Олдиндаги манзилни кўзлаб,
Тоғлардан ҳам ошяпти улар.

Йўлбошчиси бордир карвоннинг,
Тизилгандир унга сарбони.
Қайда экан манзили унинг,
Қайга борар бунинг карвони.

Нега ерга қўнмайди улар,
Тоғлардан ҳам ошиб ўтади.
Ортига ҳеч қайрилмас улар,
Қўшиқлари давом этади.

* * *

Либослари сувга айланди,
Эриб-эриб кетяпти қор.
Булутларнинг бағри эзилди,
Лекин келди мен кутган баҳор.

Мавжудодлар шимирди сувни,
Сен ўзингсан менинг баҳорим —
Озодликка эришган Ватан.

Сенда ўсган қанча ўғлонлар
Шу Ватаннинг хизматин қилди.
Қанча-қанча буюк даҳолар
Шуҳратини бу олам билди.

Мана энди озод Ватаним
Ўз эркингни ҳеч кимга берма.
Ҳумо қушин ардоқла халқим,
Ўша билан учгил самога.

ҚИШЛОҚ ОҚШОМИ

Қуёш аста-аста пасайиб
Ўз нурини олди бағрига.
Олам билан у хайрлашиб
Сингиб кетди, тоғлар ортига.

Узун қора сочларин ейиб
Ёруғ кунни эгаллади тун.
Нораста бир гўдакка ўхшаб
Парёстиққа ёнбошлади кун.

Самода-чи минг-минглаб юлдуз
Бари учар, бариси юрар.
Атрофларга сочилган кундуз,
Олам юзин у безаб турар.

Қаердандир алланиманинг
Чириллаган товуши келар.
Мен бағрида турган тоғларнинг
Этагида сувлар шилдирар.

Дарахтлар ҳам аста тебраниб
Бу қўшиққа раққоса бўлар.
Самолётлар куйларин чалиб
Тун қўшиғин басталаб турар.

Тун шунчалар гўзалмисан сен,
Эшитмадим ғала-ғовурни.
Тинглаяпман фақатгина мен
Ҳаётдаги майин қўшиқни.

Аслиддин Суюн Абдулазиз ўғли

Соҳир куйлар ижодкори

Мусиқанинг хилма-хил жанрлари мавжуд. Уларни пухта эгаллаган бастакоргина халқнинг турли қатламлари дидига мос келадиган, мусиқа санъатининг турли йўналишларида одамларга руҳий озуқа бера оладиган ижодкор бўла олади. Шу жиҳатдан олиб қараганда Қаҳрамон Комиловнинг ижоди серқирра. «Далварзинтепа» симфонияси, «Бир сиқим тупроқ» (З. Обидов), «Бахшининг севгиси» (Фахриёр), «Чинор» (Э. Самандаров) каби поэмалар, «Ўзбекистон қўшиғи» ораторияси (Ҳ.Гулом), «Менинг муҳаббатим» (Омон Матжон) вокал сюитаси, «Ҳосил байрами» ва «Ўзбекистон» увертюралари — симфоник ҳамда миллий чолғу асбоблари оркестрлари учун ёзилган асарлардир. Аслида симфоник мусиқа бизга Европадан кириб келган. Аммо Қаҳрамон Комилов талқинида у миллий руҳ олади. Сабаби, биринчидан унинг миллий мусиқамизни ёшлигидан қалбига жо қилганлиги бўлса, иккинчидан, миллий созлар билан яхши танишлиги, ғижжакчи созанда эканлиги, учинчидан, шулардан келиб чиқиб, оркестрда пуфлама ва урма чолғу асбобларига нисбатан торли-камонли созлардан кенгроқ фойдаланишидир.

Юлдузлар шуъласи

Қаҳрамон Комилов драматургия соҳасида ҳам самарали ижод қилиб, Эркатош Шукурова билан биргаликда «Опа-сингиллар» мусиқали драмасини, Жумаиёз Жабборов билан ҳамкорликда «Отабек ва Кумушбиби» мусиқали драмасини яратди. Шунингдек, Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони асосидаги «Баҳром ва Дилором» театрлаштирилган миллий балет куйини басталади.

Эътиборимни «Далварзинтепа» симфониясининг номи тортди. Мусиқа асарларига, одатда, биҳишт монанд жойлар мавзу бўлгувчи эди. Бастакор билан кечган суҳбатимиз асносида, Далварзинтепа харобаларидан ҳам илҳом олиш мумкин эканми, — деган мулоҳазамни айтишдан ўзимни тия олмадим.

— Сиз уни эшитмагансиз, шекилли, — дедилар Қаҳрамон ака жилмайиб ва магнитафонни қўйдилар. Кўз ўнгимда узоқ ўтмиш гавдаланди. Литавраларнинг гумбурида жанглар суронини, пуфлама мис асбоблар овозида аламли фарёдларни эшитгандай бўлдим. Қонуннинг жилвали садоси бир пари пайкарнинг суратини чизди. Куй ёдимга бир пайтлари эшитганим бир афсонани солди. Ҳа, бу ўша, ўша ҳикоя, ўша воқеалар...

Далварзинтепа Қадимда Кушон давлатининг пойтахти бўлиб, Дал — имли подшо шу шаҳардан туриб мамлакатни бошқарарди. Мамлакатга араблар бостириб келадилар. Улар шаҳрни қамал қиладилар. Қарасалар, шаҳар атрофи сув тўла ҳандақлар билан ўралган, улардан ўтишнинг иложи йўқ. Ҳандақларга сув қаердан келишини, ҳарчанд уринмасинлар, аниқлай олмайдилар. Шунда араб саркардаси ҳийла ишлатади: Дал подшонинг гўзал қизини ишқий мактублар билан ўзига ром қилади. «Мақсадим сенинг ойдек жамолингдан баҳраманд бўлиш, холос», —деб ёзади у. Қиз юрагида муҳаббат гулхани ловуллайди. Кабутарлар қаноти икки ўртада хат ташишдан толади. Мактублардан бирида йигит «Шаҳарга келадиган сувни қандай тўсиш мумкин?» — деб сўрайди. Қиз эса «Тўпалон дарёсининг Қоратоғ дарёси билан қўшилган жойидаги гирдоб остида ўра бор. Ўша ўранинг оғзини сомон тиқилган қоп билан ёпиш керак», — деб жавоб ёзади.

Араблар қиз айтгандек иш тутадилар. Тезда ҳандақлар қуриб, ёғий шаҳарга бостириб киради. Қаттиқ жанглар бўлади. Душман аскарларининг қўли баланд келиб, ҳаммани бир бошдан қиличдан ўтказадилар, кейин шаҳарга ўт қўядилар. Ёнғин бутун водийни қамраб олади. Дал подшонинг муаззам шаҳри тепаликка айланиб, Далварзинтепа деб ном олади...

У яратаётган қўшиқлар замон руҳига мос, давр талабига жавоб берадиган, ўзбекона. Уларни Гулбаҳор Эрқулова, Зоҳида Умарова, Козим Қаюмов, Турсунбой Парпиев, Озода Ёрова, Саодат Туронова, Мусахон Мирсаидов, Замира Суюнова, Қурсия Эсонова, Тўлқин Ҳайдаров, Шаҳноза Исмоилова каби қўплаб шогирдлари ўрганиб, ижро этмоқдалар.

Дарвоқе, шогирдлар... Ёзувчи Шойим Бўтаевдан «гунчанинг очилиш-очилмаслиги ҳавога боғлиқ» деган гапни эшитган эдим. Ўша ғунча — ўзимиз сезмаган қобилиятларимиз, ҳали юзага чиқмаган имкониятларимиз — ҳар биримизда бўлади. Буни умр бўйи пайқамай ўтиб кетадиганлар бор ахир. Устоз эса мусаффо ҳавога айланиб, шогирдлари юрагининг энг яширин қатламларигача кириб боради, ундаги кичик бир куртакда гулзорлар тароватини пайқайди, ўша кичик ғунчадан бўстонлар барпо қилади. Қаҳрамон Комилов ана шундай устоз. Ҳар бир шогирдининг ютуғидан севинади, шогирдлари эса у билан фахрланиб юрадилар. Арзийдиям-да!

Ҳозирги кунда Қаҳрамон Комилов Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги бадиий жамоаларнинг бадиий раҳбари бўлиб ишлайди. Хонасидан одам аримайди. Ҳузурига келганларнинг ҳар бирини эътибор билан тинглайди, йўл-йўриқ кўрсатади, ёрдамини аямайди.

— Раҳбарлик ва ижод. Бу икки фаолият бир-бирига халал бермайдими? — деган саволимга шундай жавоб олдим:

— П. И. Чайковский ҳар тонг контрапунктлар ёзар экан-да, нонуштага чиқаётиб, уларни ташлаб юборар экан. Мақсад — ижоддан тўхтамаслик экан. Ижодда узилиш бўлмаслиги керак, буни ҳар бир ижодкор ёдида тутсин! Мен кечаси ижод қиламан, шунга одатланганман. Ўз устимда ишламаган куним йўқ.

Раҳима РАҲМАТОВА,
журналист

Хорижга йўл

Мамлакатимизда бир неча йиллан буён самарали ишлаб келаётган Туркиянинг «Айлин» корхонаси печенье маҳсулотлари харидорларга манзур бўлмоқда. Корхона Оҳангарон шаҳрида замонавий технолгия асосида янги ишлаб чиқариш цехларини ташкил этиб, кўплаб кишиларни иш билан таъминлади. Асосан ўзбек аёллари меҳнат қилаётган цехларда 18 хил тотли неъмат тайёрланяпти. «Пикник», «Фингер», «Адора», «Бамбино», «Кремали» номли печеньелар безакли қоғозларга озода ўралган.

Корхона мамлакатимизда ишлаб турган ўзбек-турк қўшма корхоналари орасида биринчи бўлиб маҳсулотини чет элларга экспорт қилишни бошлади. Дастлабки маҳсулотлар ортилган юк карвони Қозоғистонга жўнатилди.

— Биз бундан буён Қозоғистонга маҳсулотимизни ҳар ойда юборишни йўлга қўямиз. Келгуси йилдан бошлаб бошқа мамлакатларга печенье жўнатишга доир ҳамкорлар билан музокаралар олиб борамиз, — дейди корхона бош раҳбари Мажит Уздурал.—«Айлин» қадимий Буюк ипак йўли шаҳобчаларини тиклаш ишига муносиб ҳисса қўшишга аҳд қилган.

Абдулла ПЎЛАТОВ

Суратда: «Айлин» корхонаси цехларидан бирида

Янги технологиялар

Амалий ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси Почта ва телекоммуникация агентлиги билан Американинг «Lucent technologies» компаниясининг «Симсиз телекоммуникациялар, комплекс ва тармоқ ечимлари илғор технологияларини жорий этиш соҳасида ҳамкорликка бағишланган анжумани Тошкентда ўз ишини якунлади.

Алоқа ва технологиялар тизими жаҳон бозорига дадил кираётган мамлакатимизда энг замонавий алоқа воситаларини яратиш борасида муҳим ишлар олиб борилмоқда. Бу борада Американинг «Lucent technologies» компанияси билан ҳамкорлик республикамизда алоқа воситаларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга хизмат қилади. Зеро, ушбу компания жаҳон телекоммуникация бозорининг етакчиси ва унинг йиллик айланмаси яқин орада 500 миллиард долларга етади. Жаҳоннинг 55 мамлакатидаги операторлар унинг симсиз ва симли алоқа тизимларидан фойдаланиб, курраи заминимизнинг турли бурчакларида одамлар мулоқотини таъминламоқда.

Компаниянинг Ўзбекистондаги дистрибьютери — «Янги алоқа технологиялари» ташкил этган анжуманда мутахассислар алоқа соҳасидаги замонавий технологиялар билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

— Ҳар бир истеъмолчига нима зарурлигини билиш — компаниямиз фаолияти асосини ташкил этади, — деди «Lucent technologies» ваколатхонаси бош директори ўринбосари Ильмар Ишмаметов. — Ўзбекистон билан амалий ҳамкорликдан мамнунмиз.

Дарвоқе, ушбу компания мамлакатимизда фаолият кўрсатаётганига уч йил бўлаяпти. Қатор давлат ва ҳукумат идораларида унинг замонавий алоқа тизимлари муваффақиятли ишламоқда. Анжуман якунида икки томон ўртасида протокол ният имзоланди. Унга кўра Тошкент ва Хоразм вилоятларида телефон тармоғи бунёд этилади.

Алишер РЎЗИЕВ

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржаси Сиз азизларни 1998 йил 15, 22, 29 декабрь кунлари соат 11.00 да Республика Биржалар марказида ўтказиладиган навбатдаги

КИМОШДИ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

САВДОГА ҚУЙИДАГИ МУЛКЛАР ҚЎЙИЛМОҚДА:

1. Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри Беруний кўчаси, 101-«А» да жойлашган контейнер типидаги 33-сонли АЁҚШ. Мазкур АЁҚШ Тошкент-Термиз автомагистрали яқинида жойлашган.
Ер майдони 0,02 га. Унинг ҳудуди ободонлаштирилган, асфальт ётқизилган.
АЁҚШ ҳудудида 10,7 м³ ҳажмли металл контейнер, 1 дона ёнилғи қуйиш колонкаси, тарқатиш мосламаси ва операторлик хонаси мавжуд.
1998 йил сентябрь ойида ишга туширилган.
Бошланғич баҳоси — 2 млн. 222,1 минг сўм.

2. Навоий вилояти, Қизилтепа тумани Ўртачўл массивида жойлашган контейнер типидаги 4-сонли АЁҚШ.
Мазкур АЁҚШ Навоий-Бухоро автомагистрали яқинида жойлашган. Унинг майдони ўралган, ободонлаштирилган, асфальт ётқизилган майдони 0,8 га. АЁҚШ 1998 йилнинг июнь ойида ишга туширилган. Унда 10,7 м³ ли 1 та махсус металл идиш, 1 та ёнилғи тарқатиш колонкаси ва тарқатиш мосламаси мавжуд.
Бошланғич баҳоси — 1 млн. 530 минг сўм.

3. Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон шаҳрида жойлашган контейнер типидаги 31-сонли АЁҚШ.
Мазкур АЁҚШ Душанба-Термиз автомагистрали яқинида жойлашган. Унинг майдони ободонлаштирилган, асфальт ётқизилган, эгаллаб турган майдони 0,054 га
АЁҚШ 1998 йил март ойида ишга туширилган.
Унда 10,7 м³ ли 1 та махсус металл идиш, 1 та ёнилғи қуйиш колонкаси ва тарқатиш мосламаси мавжуд.
Бошланғич баҳоси — 1 млн. 617 минг сўм.

4. Фарғона вилояти, Бувайда тумани Янгиқадам қўрғонида жойлашган 19-сонли АЁҚШ.
Мазкур АЁҚШ Бошқир-Янги қадам йўлидан 25 км. ичкарида жойлашган.
АЁҚШнинг атрофи ўралмаган, асфальт ётқизилган майдони 0,10 га. АЁҚШ ҳудудида ҳажми 3,4м х 2,31 м бўлган нефть маҳсулотларини сақлаш учун контейнер ва ҳажми 18,587 м² бўлган оператор хонаси мавжуд.
Унда 2 та ёнилғи сақлаш идиши, 2 та ёнилғи тарқатиш колонкаси мавжуд.
Бошланғич баҳоси — 1 млн. 777 минг сўм.

5. Бухоро вилояти, Қоракўл шаҳрида жойлашган 7-сонли АЁҚШ.
Мазкур АЁҚШ Бухоро — Чоржўй автотрассаси яқинида жойлашган. Унинг эгаллаб турган майдони 1,2 га. Унинг майдони асфальтланган, ободонлаштирилган, атрофи ғиштбилан ўралган. АЁҚШ 1981 йил июнь ойида ишга туширилган.
АЁҚШ ҳудудида ёрдамчи бинолар, 100 м³ ли сув сақлагич, 2 та ёнилғи тарқатиш, 2 та мой тарқатиш, ишлатилган мойлар учун идиш, 5м³ ҳажмли 7 та заҳира учун идиш, 25 м³ ҳажмли 5 та заҳира учун идиш, АСВН-80 типидаги 3 та насос ўрнатилган.
Бошланғич баҳоси — 2 млн. 699,16 минг сўм.

Мазкур автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаларига қизиқиши бор ишбилармон ва тадбиркор юртдошларимиз, хорижлик сармоядорлар Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Савдода қатнашиш учун аризалар савдо кунидан бир кун олдин соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 8-уй. Ўзбекистон Республикаси Биржалар маркази биноси, 3-қават, 28- ва 29-хоналар.
Телефонлар: 136-15-28, 136-28-75, Ички: 153, 154, 162. Факс: 136-26-26.

ЯНГИЙЎЛ «ЛАЗЗАТ АПКО» ҚАНДОЛАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Қандолат маҳсулотлари ҳамда хамиртурушни улгуржи

СОТАДИ

Шунингдек, акционерлик жамияти янчилган какао, озуқа содаси ва ўрамли (пергамент) қоғозни кўплаб миқдорда

сотиб олади

Тўлов — пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Бизнинг манзил: Янгийўл шаҳри, Лаззат кўчаси, 1а.

Телефонлар: (37160) 2-69-44, 2-69-45, 2-69-10.

«Тинчлик» метро бекати яқинидаги 9 қаватли уйнинг 1-қаватидаги 3 хонали квартира

СОТИЛАДИ

Телефон ва «Камалак» ТВ мавжуд. Квартира таъмирланмаган. Офис учун жуда қулай. Телефон: 42-94-79

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасининг «Ўзматбаа — таъминот» корхонаси раҳбарияти ва жамоаси шу корхона базасининг директори Икром Зокирович Иноғомовга волидаи муҳтарамаси **Ойтўра ая ИНОҒОМОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Саида ЙЎЛДОШЕВА, навбатчи Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Руйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 20.025 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
Г — 0484

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.40
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА